Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◊ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1997 йил 12 июль, шанба • № 55 (10.933) • Эркин нархда сотилади

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ТИЗИМИДА ФУҚАРОЛАРНИНГ ҚОНУНЧИЛИКНИНГ БУЗИЛИШИ ЮЗАСИДАН ШИКОЯТ ВА АРИЗАЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚИШ БОШҚАРМАСИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида»ги 1997 йил 25 июндаги Фармонига биноан, инсон ҳуқуқлари кафолатларини янада кенгайтириш, қонунийликни мустаҳкамлаш, ижтимоий адолатни қарор топтириш, фуқаролар ҳуқуқларининг поймол қилиниши ҳолларининг олдини олишни таъминлашда адлия ва суд органлари ходимларининг масъулиятини ошириш, уларнинг фуқароларнинг қонуний талаб ва эҳтиёжларига эътиборини кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги марказий аппарати таркибида, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари адлия бошқармалари таркибида Фуқароларнинг қонунчиликнинг бузилиши юзасидан шикоят ва аризаларини кўриб чиқиш бошқармаси ва гуруҳлари ташкил этилсин.

Адлия вазирлиги 10 кун муддат ичида ушбу бошқарманинг Низомини ишлаб чиқиб, тасдиқласин.

2. Шикоят ва аризаларни кўриб чиқиш бошқарма ва гуруҳларининг вазифалари қуйидагича белгилансин:

— фуқароларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқлари поймол қилинишига йўл қўймаслик, бу хусусдаги ариза ва шикоятларни диққат-эътибор билан ҳар томонлама холисона кўриб чиқиш;

— ариза ва шикоятларни Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонунига тўла риоя қилган ҳолда кўриб чиқишни таъминлаш, бу масалада сансалорлик, расмиятчиликка ва тўрачиликка йўл қўймаслик, кўрилган шикоятлар юзасидан қабул қилинган қарорлар ҳақида фуқароларга ёзма ёки оғзаки тарзда маълум қилиш, ўринли бўлмаган масалалар юзасидан тушунтириш ишларини амалга ошириш;

— қонунчиликнинг бузилиши ҳолатлари юзасидан тушган шикоятларни жойларда мутасадди ташкилотлар ва мутахассислар билан биргаликда текшириб адолатли қарор қабул қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш чораларини кўриш, қонунчиликнинг бузилиши ҳолларини келтириб чиқариш сабаб ва шароитларини аниқлаш ҳамда уларни бартараф қилиш;

— адлия тизимидаги идораларнинг шикоят ва аризаларни кўриб чиқиш билан боғлиқ фаолиятини ўрганиш ва бу борадаги ишларни умумлаштириш, шу йўналишдаги ишларни янада такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқиш.

3. Адлия вазирлиги, унинг жойлардаги бошқармалари фуқароларнинг қонунчиликнинг бузилиш ҳолатларига тегишли мурожаатларини кўриб чиқиш натижаларини ҳайъатда муҳокамага киритиб асосли қарорлар қабул қилиши, белгиланган вазифаларнинг ижроси устидан назорат ўрнатиши, шунингдек, фуқароларни шикоят қилганлик учун таъқиб қилишга йўл қўймаслик, бу масалаларда раҳбар ходимларнинг масъулиятини ошириши муҳим эканлиги таъкидлансин.

4. Республика ташкилотлари, Қорақалпоғистон Республикаси, ҳокимликлар мутасадди идоралари қонунчиликнинг бузилиш ҳолатлари юзасидан кўрилган чора-тадбирлар жойларда соғлом маънавий-руҳий вазият ҳосил қилишини, қонунларимизга ҳурматли муносабатда бўлишни таъминласинлар.

5. Адлия вазирлиги, унинг бошқармаси ва жойлардаги гуруҳлари фуқароларнинг қонунчиликнинг бузилиши юзасидан шикоят ва аризаларини кўриб чиқиш билан боғлиқ фаолияти тўғрисида аҳоли турли табақаларини мунтазам равишда хабардор қилиб турсинлар, бу борада оммавий ахборот воситалари имкониятларидан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор берсинлар.

Ўзбекистон Телерадиокомпаниясига ҳамда бошқа оммавий ахборот воситаларига фуқароларнинг қонунчиликнинг бузилиш ҳолатлари бўйича мурожаатларининг кўриб чиқилиши масаласини кенг ёритиш тавсия этилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш масалалари тўғрисида» 1992 йил 12 ноябрдаги 523-сон қарорига тегишли ўзгартишлар киритилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимида ташкил этилаётган бошқармани таъминлаш учун зарур маблағлар ажратсин.

8. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Б.Ғуломов зиммасига юклатилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил 10 июль.

ИСТИҚБОЛДАГИ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Шу йил 10 июль куни Юқоричирчиқ туманидаги «Ийк ота» жамоа хўжалигининг маданият саройида Тошкент вилоятининг 1997 йил биринчи ярим йиллигида иқтисодий, ижтимоий ривожланиш якунлари ва ислоҳотларнинг боришига бағишланган вилоят фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди

ЙИҒИЛИШДА вилоят ҳокимининг муовинлари, ҳокимлик бўлим ва бошқармалари бошлиқлари, шаҳар, туман ҳокимлари, уларнинг муовинлари, солиқ, банк, статистика тизими вилоят, шаҳар, туман бўлимлари раҳбарлари иштирок этдилар.

Йиғилишни вилоят ҳокими Эркин Рўзиев бошқарди.

Кун тартибидаги масала юзасидан вилоят иқтисодиёт ва статистика бош бошқармаси бошлиғи — вилоят ҳокимининг муовини Бахтиёр Ҳосилов маъруза қилди.

Маърузада таъкидланганидек, 1997 йилнинг ўтган даврида вилоятда асосий эътибор ислоҳотларни чуқурлаштиришга, иқтисодий, ижтимоий ривожланишда белгилаб олинган устивор вазифалар ва йўналишларни амалга оширишга қаратилди. Жойларда белгиланган тадбирлар ва дастурларнинг ижроси устидан назорат кучайтирилди. Қилинган ишлар ўзининг самарасини бермоқда. Жумладан, хусусийлаштириш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, кенг қамровли бозор иқтисодиётини шакллантириш борасида белгиланган топшириқлар бажарилди. Ўтган даврда 31 та корхонага давлат тасарруфидан чиқарилганлиги тўғрисида далолатнома берилди. 650 та ўрта ва кичик бизнес ҳамда хусусий корхоналар барпо этилди. Корхона ва ташкилотларнинг 104,9 миллион сўмлик акциялари ва қимматли қоғозлари сотилди. 50 та ким ошди ва биржа савдолари ўтказилиб, 563 та объект сотилди.

Етакчи тармоқ — саноатдаги натижалар ҳам салмоқли бўлди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқараш 104,5 фоизга етди. Қурилиш мажмуида ўтган ярим йилда 4916,4 миллион сўм капитал сармоя ўзлаштирилди. 185,7 минг квадрат метр ҳажмдаги янги уй-жойлар фойдаланишга топширилди. 244,7 километр газ, 37,2 километр ичимлик сув тармоқлари ишга туширилди.

Агросаноат мажмуида ислоҳотларни чуқурлаштириш, деҳқончилик маданиятини юксалтириш, мулкдорлар синфини шакллантириш борасида қилинган ишлар ўзининг самарасини бермоқда. Олти ойда қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқарилган янги маҳсулот ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 8,8 фоизга кўпайди. Ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш, вилоятга чет эл инвестицияларини олиб кириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор берилди. Ярим йилда ташқи савдо обороти ҳажми 338,7 миллион АҚШ долларини ташкил этди. 8 та янги қўшма корхоналар иш бошлади.

Савдо, маданий, маиший хизмат, халқ таълими ва бошқа тармоқларда олиб борилаётган ишлар ҳам ўз натижаларини бермоқда. Қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантиришнинг 2000 йилгача мўлжалланган дастурини амалга ошириш устида қатъий иш олиб борилмоқда.

Йиғилишда қилинган ижобий ишлар билан биргаликда бой берилаётган имкониятлар ва келгусида амалга оширилиши зарур бўлган истиқболдаги вазифаларга кўпроқ эътибор қаратилди. Хусусан, вилоятдаги 118 та саноат корхонасида ўсиш суръати таъминланмади. Маҳсулотларнинг 41 тури бўйича ишлаб чиқариш ҳажми пасайиб кетди. Қурилишда иккиламчи маблағларни топиб ишга тушириш устида етарли иш олиб борилмаяпти. Қишлоқ хўжалиги, айниқса, жамоат чорвасидаги мураккаб шароит сақланиб қолмоқда. Гарчанд, ярим йилликда маҳаллий бюджетнинг барча кўрсаткичлари бажарилган, пул эмиссияси даражаси режадаги 30,4 фоиз ўрнига 1,2 фоиз қилиб бажарилган бўлса-да корхона ва ташкилотларнинг дебитор ва кредитор қарзларини камайтириш устида қаттиқроқ ишлаш лозимлиги қайд этилди.

Кун тартибидаги масала юзасидан сўзга чиққан давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи — вилоят ҳокими муовини Александр Раҳимов, Юқоричирчиқ тумани ҳокими Мирзахўжа Қалқулов, Чирчиқ шаҳар ҳокими Дониёр Азизхўжаев, Бекобод шаҳри ҳокими Жалолиддин Насриддинов, вилоят солиқ бошқармаси бошлиғи Сайдазим Муҳитдинов ва бошқалар ҳам эътиборни шунга қаратдилар.

Мазкур масала юзасидан ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирар экан, вилоят ҳокими Эркин Рўзиев шундай деди:

— Камчиликларни бартараф этиш, эришилган натижаларни янада салмоқли қилиш учун вилоятда барча имкониятлар бор. Бунинг учун белгиланган дастурлар, режалар ва устивор йўналишларни амалга ошириш устида чуқурроқ ўйлаш ва ишлаш керак. Бир йилда вилоятда эмиссия даражасини бартараф этдик, бошқа қатор соҳаларда ҳам ўзгаришлар рўй берди. Буларнинг ҳаммаси шаҳар ва туманларимизда ана шундай имкониятлар борлигини яна бир бор кўрсатди.

Вилоят ҳокими, айниқса, жойларда статистика маълумотларини тартибга солиш, хорижий инвестицияни кенгроқ жалб этиш, экспорт ҳажмини кўпайтириш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ошириш, хусусийлаштиришни чуқурлаштириш, мустақиллигимизнинг олти йиллигини муносиб кутиб олиш, юбилей объектларини тезроқ ишга тушириш лозимлигини алоҳида уқтирди.

Фаоллар йиғилишида кўрилган масала юзасидан қарор қабул қилинди ва истиқболдаги вазифалар белгилаб олинди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари — республика Макроиқтисодиёт ва статистика вазири Бахтиёр Ҳамидов сўзга чиқди.

Ушбу суратдаги шахтёрлар Олег Умаров (чапдан), Файзулла Холов ва Оғамет Жамагаметовлар Ангрендаги 9-конда ишлашади. Улар ҳар сменада нормага қўшимча 2—3 тоннадан кўмир қазиб чиқаришмоқда.

Умид АҲМЕДОВ олган сурат.

Далалар саховати

ҚОЛДИБЕК ҚОЙИЛ ҚИЛМОҚДА

МАРЖОН-МАРЖОН мевалари мўллигидан шохлари тирговичланган олмазорни кўздан кечириб юраркан, Қолдибек аканинг кўнгли кўтарилди. У А. Отажонов номли агрофирмадан 23 гектар боғни ижарага олиб, эрта баҳордан бошлаб, беш нафар ўғил-қизлари билан боғдан чиқмай қилган меҳнати эвазига бунчалик мўл ҳосил етиштирилганлигидан ниҳоятда хурсанд эди. У ҳар гектар олмазордан 80—100 центнердан мева топшира олишига ишонч ҳосил қилди.

Қолдибек Ўролов тажрибали деҳқон бўлгани сабабли ёш боғдан самарали фойдаланиш йўлларини яхши билади. У 23 гектарли майдоннинг этагидаги янги кўчат экилган сайҳонликда беда ва маккажўхори ҳам етиштирди. Ҳозиргача беда икки марта ўрилди. Макка ҳам етилиб қолди. Боғдан чиққан хашакнинг ўзи катта ғарам бўлди. Оилага бу ҳам бир мадад. Чунки, Қолдибек аканинг молхонасида 6 бош сигир, 15 та бузоқ ва 3 та от боғланган. 18 сотихли томорқасига экилган эртанги карам билан эртаги картошканинг ўзидан 100 минг сўмлик даромад олган эди. Олти бош сигирдан соғилган сут 11 жонли катта оилани оқлик билан таъминлашга етди. Ортгани шаҳардаги хонадонларга элтиб сотилди.

Қ. Ўролов қишлоқда ўзига тўқ ва бадавлат кишилардан бирига айланди, тўрт қизини узатди, бир ўғлини уйлантирди. Уларни уйли-жойли қилди.

— Буларнинг ҳаммаси иқтисодий ислоҳот сабабли хусусий мулкка эгалик қилаётганимиз натижасидандир, — дейди Қолдибек Ўролов. — Яхши яшайман деган деҳқон ўзидаги барча имкониятлардан самарали фойдаланиб, меҳнат қилиши лозим.

Турғун СУННАТОВ, Қуйичирчиқ тумани.

ЕРГА ҚОВУН ПЎЧОҒИ ТУШДИ

ХАЛҚИМИЗНИНГ бу доно гапларининг маъноси шуки, бозорларимиз ноз-неъматлар, мева-чевалар билан тобора тўкин бўлиб бормоқда.

Уларни сиз шаҳримизнинг хоҳлаган деҳқон бозоридан харид қилишингиз мумкин. Бозорларни сарҳил олма, узум, нок ва бошқа мевалар билан таъминлашда Тошкент тумани деҳқонларининг ҳам хизмати катта бўляпти. Туман боғбонлари ва соҳибкорлари бу йил 3 минг тонна мева тайёрлаб беришни режалаштирган эдилар. Ҳозиргача 300 тонна тайёрланди ва истеъмолчиларга жўнатилди. Олди хўжаликлар гектаридан 80—100 центнердан ҳосил олмоқдалар.

Айниқса, Абдураҳмонов номли жамоа хўжалиги, Ғуломмаҳмуд Абдуллаев номли мулкдорлар уюшмаси, Шредер номли боғдорчилик-узумчилик, мевачилик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси деҳқонлари боғ-роғларда етиштирилган мўл ҳосилни пешма-пеш йиғиб олиб, саралаб, янгилигида аҳолига тортиқ қилишга катта аҳамият бермоқдалар.

Хусусан, Абдураҳмонов номли жамоа хўжалиги боғбонларининг меҳнати таҳсинга сазовордир. Бу хўжалик май ойида истеъмолчиларга катта миқдорда танқис мева — гилос етказиб берган эди. Ҳозирги кунгача улар жами бўлиб, 150 тонна мева жўнатдилар. Ҳар куни 10—15 тонна ҳосил ортилган машиналар шаҳарнинг деҳқон бозорларига, ярмаркаларга, шунингдек, ташкилот ва корхоналарга йўл олмоқдалар.

Бу йил мева ҳосили ўтган йилдагига қараганда нисбатан камроқ бўлди, дейишяпти боғбонлар, шунинг учун ҳам бор ҳосилни нобуд қилмай, ўз вақтида териб олсак, камомаднинг ўрнини тўлдирган бўламиз.

Носир РИХСИЕВ.

Воқеалар, хабарлар, янгиликлар

«Тошкент ҳақиқати» мухбирлари хабар қиладилар

ҲАМ МЎЙНА, ҲАМ ГЎШТ

ЧИРЧИҚДА шундай харидоргир истеъмол бозорини тўлдиришга ёрдам берадиган маҳсулотларни етиштирувчи ширкат бор. У «Рассвет» деб аталиб, мўйначиликка ихтисослашган.

Бу ерда асосан нутрия боқилади ва кўпайтирилади. Унинг ҳузурида мўйнадан телпак тикиш цехи ишлаб турипти. Ширкат жамоаси вилоят тадбиркорларининг кўрик-танловида қатнашиб, фермер хўжаликлари ўртасида иккинчи ўринни эгаллади.

Дастлаб ширкатда бир неча юз нутрия боқилди. Эндиликда уларнинг сони беш мингтага яқинлашиб қолди. Йил бошидан бери савдо шахобчаларига икки юз атрофида телпак етказиб берилди. Нутриянинг гўшти парҳез таом ҳисобланади. У ишчи-хизматчиларга арзон нархларда берилмоқда. Бундан ташқари, ҳар йили анчагина миқдордаги гўшт болалар уйларига бепул жўнатилмоқда.

СОБИР ҲАМИДОВ.

Оққўрғон туманидаги С. Сегизбоев номли жамоа хўжалиги корпорацияга айлантирилгач, ҳар бир меҳнат жамоаси ўз фойда, зарарини ҳисоблаб, даромад ва фойда олиш ҳаракатида бўлаяпти. Жумладан, таъмирлаш устахонасида ҳам бажарилган иш ҳажмини аниқ ҳисобга олиб боришмоқда.

Суратда: токарь Бахтиёр Назаров. У ҳар бир ишни сифатли қилиб бажаришга эришаяпти.

Темур ҲАЙДАРОВ олган сурат.

АЁЛ ВА ҲУҚУҚ

ТОШКЕНТ тумани ҳокимлигида «Аёл ва ҳуқуқ» мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Туман хотин-қизлар қўмитаси раиси, туман ҳокими муовини Мастура Қорабоева ва бошқа нотиқлар янги демократик ҳуқуқий давлат қурилишида хотин-қизларимизнинг ўрни ҳақида гапирдилар. Шунингдек, йиғилиш иштирокчилари жамиятда аёл ва оиланинг шахсий ҳамда ҳуқуқий муносабатлари, меҳнат қонунчилигида хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва кафолатлари, болалар ҳуқуқи ҳақидаги маърузаларни тингладилар.

Туман прокурори, адлия кичик маслаҳатчиси Ҳасан Иноятов тингловчиларнинг қатор саволларига жавоб қайтарди.

Акбар УМИРОВ.

ҲИММАТ

ҲАЛИ мактабларда ўқиш тугамасданоқ, Ангрен шаҳрида янги ўқув йилига тайёргарлик ишлари бошлаб юборилган эди. Маорифчилар барча куч ва имкониятлардан унумли фойдаланиб, туб ва жорий таъмирлашни қисқа муддатда адо этишга эришдилар.

— Янги ўқув-йилига ҳозирлик кўришда кенг жамоатчилик ёрдамига таяниб иш тутдик, — деди шаҳар халқ таълими бўлими мудири М. Турғунбоев, — оталиқ ташкилотларимиз корхоналар, тадбиркорлар, ҳомийлар баҳоли қудрат қурилиш материаллари ҳамда моддий томондан яқиндан ёрдам беришди. «Ўзбеккўмир» ҳиссадорлик жамияти, шаҳар қурилиш трести айниқса, катта ҳиммат кўрсатдилар.

Акбар АЛИЕВ.

ҚАЛАМКАШЛАР УЧРАШУВИ

ОҚҚЎРҒОН тумани газетаси таҳририятида вилоят туманлари газеталари муҳаррирларининг учрашуви бўлиб ўтди.

Қаламкашлар Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI бўсағасида» китоби ҳақида, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, мамлакатимиз ҳавфсизлигини таъминлаш, барқарорлик ва тараққиётни қарор топтириш, журналистлар олдида турган долзарб вазифа ва муаммолар ҳақида фикрлашдилар.

Йиғилишда сўзга чиққан «Паркент тонги» газетаси муҳаррири Маҳмуд Тоиров, «Чиноз ҳаёти» газетаси муҳаррири Орзиқул Маъмуров, «Янгийўл» муҳаррири Аҳмаджон Рихсибоев, «Оққўрғон овози» муҳаррири Абдулла Маъдиевлар мазкур асар юзасидан ўз фикр ва мулоҳазаларини баён этдилар.

Қаламкашлар Оққўрғон туман газетасининг меҳнаткашлар хатлари билан ишлаш, ҳуқуқ-тартибот ишларини жонлантиришда прокуратура, милиция, суд ходимлари билан ҳамкорликдаги олиб бораётган ижобий тажрибаларини ўргандилар.

Ҳомид УСМОНОВ.

Воқеалар, хабарлар, янгиликлар

Бу сонда:

Ҳуқуқий билим сабоқлари: ХЎЖАЛИК СУДИ ҚАНАҚА МАҲКАМА? 2-БЕТ

ОЛАМ ҲАФТА ИЧИДА 3-БЕТ

Мозий лавҳалари 4-БЕТ

ХЎЖАЛИК СУДИ ҚАНАҚА МАҲКАМА?

Тошкент вилоят хўжалик судининг раиси Мухторжон Собиров билан суҳбат

— Хўжалик судининг асосий вазифаси нималардан иборат? Шу ҳақда қисқача гапириб берсангиз.

— Собиқ совет даврида вилоят ижроқўмлари қошида давлат арбитражлари бўларди. Улар фақатгина корхона, ташкилот ва муассасалар ўртасидаги иқтисодий мазмундаги низоларни кўриб, ҳал қилардилар. Мустақилликка эришганимиздан кейин қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимликлари қайта ташкил қилинди. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилда қабул қилинган Конституциясида мамлакатимизда судлов ҳокимиятини Конституциявий суд, Олий суд ва Олий хўжалик суди амалга ошириши белгилаб қўйилган. Шу муносабат билан, собиқ давлат арбитражлари хўжалик суди сифатида қайта ташкил этилди ва унинг ишига бошқа ҳеч қандай идораларнинг аралашувига йўл қўйилмайди. Хўжалик судлари ўз фаолиятини «Судлар тўғрисида»ги қонун ва Хўжалик процессуал кодекси асосида юритади.

Бу судларга хўжалик юритиш субъектлари ўртасидаги ўзаро муносабатлардан келиб чиқувчи низоларни ҳал қилишни сўраб корхона, муассаса, ташкилотлар, фирмалар, хуллас барча юридик шахслар, шунингдек мулкчилик шаклидан қатъий назар тадбиркорлик билан шуғулланувчи жисмоний шахслар даъво ариза тақдим қилишлари мумкин. Бундан ташқари, давлат ҳокимлиги ва ижро идораларининг меъёрий ҳужжатларини ҳақиқий эмас деб топишни сўраб ҳам мурожаат қилиш мумкин.

— Вилоят хўжалик судининг иш фаолиятига тўхталсангиз?

— Тошкент вилоят хўжалик судида 1997 йилгача жуда кўплаб низоли ишлар кўрилди. У республикамиз хўжалик судларида кўрилган барча ишларнинг тахминан тўртдан бирини ташкил қилган. Ўтган йили таркибимиздан Тошкент шаҳар хўжалик суди ажралиб чиқди ва фаолиятини бошлади. Лекин, биз кўриб ҳал қилаётган иш ҳажми қисқармади. 1996 йилда умумий даъво миқдори 3 млрд. сўмга яқин 2.263 та низоли иш кўрилган бўлса, жорий йилнинг олти ойида хўжалик судига 2 млрд. сўмлик 1.081 та даъво ариза тушди.

Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 5-мартдаги «Давлат божи ставкаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарорининг аҳамияти катта бўлди. Шундан кейин хўжалик судларига мурожаат қилишда тўланадиган давлат божи миқдори бир неча баравар камайтирилди. Аввал даъво миқдорининг 10 фоизи миқдорида давлат божи олинар эди. Ҳозир мулкий характердаги даъво аризаларни тақдим қилишда даъво миқдори бир миллион сўмгача бўлса давлат божи даъво қийматининг 3 фоизи (бироқ, энг кам иш ҳақидан оз эмас) миқдорида, 1 млн. сўмдан 10 млн. сўмгача бўлса икки фоиз, 10 млн. сўмдан ортиқ бўлса бир фоизи миқдорида олинади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи хўжалик субеъктлари эса даъво миқдори қанча бўлишидан қатъий назар бир фоиз миқдорида давлат божи тўлайдилар. Шуни таъкидлаш керакки, уларнинг кўпчилиги қийин иқтисодий аҳволдалиги ва ҳисобида маблағ мавжуд эмаслиги туфайли қарз берганлар уларга нисбатан судга даъво ариза тақдим қила олишмаяпти. Чунки, республикамиз Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 13 январда «Республика қишлоқ хўжалик корхоналарига давлат ёрдами кўрсатиш чоралари тўғрисида»ги қарорида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчиларнинг мавжуд қарзларини тўлаши 2000 йилгача кечиктирилди.

Ҳуқуқий билим сабоқлари

Низонинг аҳамияти ва миқдорига кўра хўжалик суди давлат божини тўлашни кечиктириш ҳақида ажрим чиқариши мумкин.

— Судда кўпроқ қайси турдаги низолар кўриляпти?

— Жорий йилнинг олти ойи мобайнида фуқаролик ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи 623 та иқтисодий мазмундаги низо ҳал қилинди. 431 та низоли иш эса маъмурий-ҳуқуқий муносабатлардан, масалан, табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун талаблари бузилишидан келиб чиққан. Банкротлик бўйича ишлар сони камайиб, у бу йил атиги иккитани ташкил қилди. Судда кўрилаётган низоли ишларнинг аксариятини тўловга қобилиятсизликдан келиб чиқувчи низоли ишлар ташкил қиляпти.

Суд амалиётидан бир мисол келтирмоқчиман. Угом-Чотқол Давлат миллий боғи (даъвогар) хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, Қозкурортнинг «Чимён» соғломлаштириш оромгоҳи (жавобгар) ҳисобидан табиат ресурсларига етказган зарар учун 64.680 сўм ундириб беришни талаб қилган. Суд даъвогарнинг талабларини тўлиқ қаноатлантириб, суд талаб қилган ҳужжатларни тақдим қилмаганлиги учун «Чимён» оромгоҳидан қўшимча равишда 5.610 сўм 60 тийин жарима ва 1.746 сўм 36 тийин давлат божини республика бюджети фойдасига ундириш ҳақида ҳал қилув қарор чиқарди.

Баъзи хўжалик субъектлари раҳбарлари шартнома тузишда хатоларга йўл қўйиш оқибатида шартнома шартларини ўз вақтида бажара олмаган тақдирда жуда катта миқдорда жарима тўлашга мажбур бўлишмоқда. Масалан, қурилиш-таъмирлаш ишлари билан шуғулланувчи «Хамро полвон» хусусий фирмаси шартнома асосида 1993-94 йилларда Бўстонлиқ туманидаги ихтисослаштирилган наслчилик-пиллачилик жамоа хўжалигида 119.143 сўмлик таъмирлаш ишларини бажарган. Бажарилган иш ҳажми учун жамоа хўжалиги томонидан 1996 йилнинг декабрь ойигача 13 минг сўм тўланган, холос. Шартномада эса тўлов кечиктирилган ҳар бир кун учун бир фоиз миқдорида жарима ундирилиши белгилаб қўйилган. Хўжалик суди даъвони суд мажлисида кўриб, жамоа хўжалигидан «Хамро полвон» хусусий фирмаси фойдасига 105 минг сўм асосий қарз миқдорини ва 806.927 сўм жарима ундириш ҳақида ҳал қилув қарор чиқарди.

Бу шуни кўрсатадики, хўжалик раҳбарлари шартнома тузишда жуда эхтиёткорлик билан иш юритишлари ва албатта юрист маслаҳатига амал қилишлари зарур. Шартнома бўйича ҳамкори бошқа худудда жойлашган бўлса, уларга мазкур турдаги фаолият билан шуғулланишга рухсат берилганлигини низомидан текшириб кўриш керак.

— Хўжалик судида солиқ идоралари иштирокида кўрилаётган низоли ишларга тўхталсангиз.

— Республикамиз аҳолисини ижтимоий ҳимоялаш, нафақахўрлар, талабалар ва ёш болалали аёлларга маош, стипендия ва нафақаларни ўз вақтида тўлаб бориш бюджетга пул келиб тушиши билан бевосита боғлиқдир. Буни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1996 йил 8 ноябрда «Бюджетга ўз вақтида тўланмаган мажбурий тўловлар ва солиқларни ундиришни қарздорнинг мол-мулкига қаратиш тўғрисида» қарор қабул қилди. Қарорга асосан солиқ идоралари бюджетдан қарздор хўжалик субъектларидан қарзларни ундиришни уларнинг мол-мулкига қаратиш ҳақида хўжалик судларига ариза тақдим қилади. Бундай аризаларга давлат божи тўланмайди ва ариза хўжалик судига келиб тушгач жуда қисқа муддат, яъни уч кун мобайнида кўриб ҳал қилинади. Бундай турдаги аризалар кўплаб келиб тушмоқда. Масалан, Ангрен шаҳридаги «3-механизациялашган кўчма жамлама» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти бюджетга 1 млн.720 минг сўм мажбурий тўловни ўз вақтида тўламаган. Ангрен шаҳар Давлат солиқ назорати даъвоси асосида мазкур иш хўжалик судида кўриб чиқилиб, 1 млн. 720 минг сўм асосий қарз ва 1.860.362 сўм пеня миқдорини ундиришни қарздорнинг мол-мулкига қаратиш ҳақида қарор чиқарилган.

Хўжалик судларига суд ижрочилари лавозими киритилиши билан суд қарорлари ижросини назорат қилиш ва ўз вақтида бажарилишини таъминлаш ишлари бирмунча жонланди. Вилоят хўжалик судидаги уч нафар суд ижрочиси бу борада маълум ишларни амалга оширишяпти. Ижрочиларимиз 1996 йилда чиқарилган қарорлар ижросини таъминлаш борасида жойларга бориб текширув ўтказишмоқда.

Уларнинг фаолиятидан бир мисол келтирмоқчиман. Суд ҳал қилув қарорига кўра «Замира-92» хусусий кичик корхонаси ҳисобидан «Ника» кичик корхонаси фойдасига 97.323 сўм ундирилди. Бироқ, қарор ўз вақтида ижро этилмаганлиги сабабли «Ника» хўжалик судига яна ариза билан мурожаат қилиб, ижрони жавобгарнинг мол-мулкига қаратишни сўради. Суд ижрочиларининг ҳаракатлари натижасида «Замира-92» ХКК зиммасидаги қарзни «Ника»га вексель билан тўлаган.

— Хўжалик судининг прокуратура идоралари билан муносабатига тўхталсангиз.

— Амалдаги қонунчиликка кўра прокуратуранинг суд ишларига аралашувига йўл қўйилмайди. Прокуратура вакили суд мажлисида қатнашиш ва аниқ низоли иш юзасидан ўз фикрини билдириши мумкин. Прокуратура даъволари бўйича давлат божи олинмайди. Прокурор ўз ҳуқуқини ўзи ҳимоя қила олмаётган хўжалик субъектлари манфаатларини ҳимоя қилиши керак. Бироқ, ҳозирги кунда прокуратуралар нима учундир «адвокатлик» вазифасини бажаришга қизиқиб кетишди. Улар тақдим қилган даъво аризалар давлат божи тўлашдан озод қилинганлиги сабабли прокуратура баъзи хўжалик субъектларига «хайрия ёрдами кўрсатувчи» идорага айланиб қоляпти. Бу эса республика бюджетига ундирилаётган давлат божи миқдорига салбий таъсир қилмоқда.

— Суд томонидан чиқарилган қарорлар ижроси аҳволи қандай?

— Суд қарорлари ижросини таъминлаш энг мураккаб муаммолардан бўлиб қолмоқда. Бу борада 1997 йил 5 февралда Республикамиз Президентининг «Хўжалик судлари қарорлари ижросини таъминлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди. Суд қарор чиқаргач бу ҳамма иш ҳал бўлди, деган маънони билдирмайди, ижро таъминланиши зарур. Суд қарори чиқарилгач, ижро учун буйруқ ҳозирланиб, ундирувчига юборилади. Ундирувчи эса тўлов топшириғини қарздорга хизмат қилувчи банкка топширади. Банк уч ой муддат ичида ундирилиши лозим бўлган пул миқдорини ундирувчининг банк ҳисобига ўтказиши керак.

Афсуски, кўплаб қарздорлар банк ҳисоб рақамларида маблағ йўқлигини важ қилиб суд қарорини бажаришмаяпти ёки банкдаги маблағларини яшириб қўйишяпти. Бу борада банкларнинг ҳам муайян айблари бор. Қарздор ҳисоб рақамида маблағ мавжуд бўлган ҳолда суд буйруғини ўз вақтида бажармаган банкларга амалдаги Хўжалик процессуал кодексининг 112-моддасига асосан ундирилиши зарур бўлган миқдорнинг 50 фоизигача жарима солиш назарда тутилган.

Хўжалик судимиз судья ва ходимлари бозор иқтисодиётининг янги шароитларида одил судловни амалга ошириш борасида бундан буён ҳам ўз билим ва тажрибаларини амалда қўллаб, мустақил Ўзбекистонимиз буюк келажагининг ҳуқуқий асосини таъминлашга ўз улушини қўшавурадилар.

Суҳбатдош:
Бахтиёр ШОҲНАЗАРОВ,
Олий хўжалик судининг бош маслаҳатчи-таржимони.

Ғалла мустақиллиги учун

Янгийўл туманидаги Н. Ниёзов номли жамоа хўжалиги давлатга 900 тонна дон топширди. Бу шартномада белгиланганидан 54 тонна кўп. Хўжаликда ўрим-йиғим давом этяпти. Ўзаро беллашувда Алибек Тўлабоев бошлиқ бригада илғорлик қилмоқда. Бу ерда 50 гектар ернинг ҳар гектаридан 36,5 центнердан ҳосил кўтарилди.

СУРАТДА: жамоа хўжалиги бош ҳосилоти Йўлчибой Исмоилов ва бригада бошлиғи Алибек Тўлабоев.

Умид АҲМЕДОВ олган сурат.

ИЛҒОР БАРИБИР ИЛҒОР

Комбайнлар саси бир зум ҳам тинмайди. Улар охирги пайкаллардаги ғаллани ўрибсаранжомлаб олишяпти.

— Мавсум поёнига етяпти, — дейди Чиноз туманидги Алишер Навоий номли жамоа хўжалиги раиси Убайдулла Мирсобиров. — Деҳқонларимиз йил бўйи самарали меҳнат қилиб, мўл ҳосил етиштирганликлари ўрим мавсумининг дастлабки кунданоқ маълум бўлди. Хўжалигимиз вилоятда биринчи бўлиб 813 тонна ғалла сотиш бўйича тузган шартномаларини бажаргандилар. Ҳозир ҳам дон сотиш давом этяпти. Давлат ғалла тайёрлаш пунктига режага қўшимча 50 тонна дон етказиб бердик. Ҳар гектар ердан салкам 40 центнердан хирмон кўтарилмоқда.

Алишер Навоий номли жамоа хўжалигининг бу муваффақияти, аввало, ғаллакорларнинг уруғни барвақт экиб, экинни сув ва озуқадан толиқтирмай, парваришни оби-тобида ўтказганликлари ва мўл ҳосил етиштиришга эришганликлари натижаси бўлса, қолаверса, хўжалик бошқарувининг ўрим-йиғимда меҳнатни ташкил этиш ва моддий рағбатлантириш ишларини биринчи ўринга қўйганлиги ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Мавжуд 2 та комбайн билан 141 гектар, 1 та «Кейс» комбайни билан эса 219 гектар ердаги ғалла саранжомлаб олинди. Комбайнчиларга иш ҳақи ва мукофот пуллари ҳар беш кунда даланинг ўзида бериб борилмоқда.

Булардан ташқари, жамоа хўжалиги туман ҳокимияти биринчи бўлиб давлат шартномасини бажарган хўжалик учун ажратган 100 минг сўмлик мукофотни ҳам олишга муваффақ бўлди.

Шу кунларда ғалладан бўшаган майдонлар пешма-пеш ҳайдаляпти, силос ва дон учун маккажўхори, кечки картошка, мош ва бошқа экинлар экилмоқда.

Раҳим ҚОДИРОВ.

ҲАМКАСБЛАРИМИЗ

ТЎЛҚИНДАГИ НАВОЛАРНИ РУСТАМ ТАНЛАЙДИ

Фараз қилинг, радио тўлқинларида «Қадр-қиммат» ҳақида эшиттириш берилаётир. Агар у фақатгина панд-насиҳатдан иборат бўлса ҳар бир тингловчини бир зумда зериктириб қўйиши тайин. Аммо унга куй қўшилса, эшиттиришдан сўнг уни тўлдирувчи бирор бир қўшиқ берилса бу ҳар қандай тингловчига хуш ёқиши шубҳасиз. Бу — режиссёр маҳоратига боғлиқдир. Рустам Ёвқочев ана шундай маҳорат эгасидир. Аслида у ниҳоятда кам гап, аммо у билан мусиқа, куйнинг инсонга таъсири ҳақида суҳбатлашиб қолсангиз, маънолар хазинаси очилиб кетгандек бўлади.

Рустамда мусиқага хавас ўрта мактабда ўқиб юрган чоғида уйғонган эди. Бу ҳавас уни 1954 йили Тошкент консерваторияси қошида фаолият кўрсатаётган мусиқа билим юртига етаклаб келди. Ўқишга киргач, афғон рубоби бўлимида таҳсил олди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, профессор Ғани Тўлаганов, Сулаймон Таҳалов, Аббос Бахромов сингари иқтидорли домлалардан сабоқ олиб мусиқа чалиш сир-асрорларини кунт билан ўрганди.

Рустам Ёвқочев 1959 йили Маннон Уйғур номидаги Тошкент театр ва рассомчилик институтининг кечки бўлимига, режиссёрлик факультетига ўқишга кирди.

— Билим юртида яхши сабоқ олган эканман, институтда ўқиш мен учун қийин кечмади, — дейди Рустам ака. — Бу ерда республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби Александр Осипович Гинзбург қўлида сабоқ олдим. Режиссёрлик касби менга жуда ёқар эди. Бу касбни бадиий безак устасига қиёс қилиш мумкин.

Ҳа, оддий мусиқа ихлосманди бўлган Рустам институтда устозлар ўгитини дилига жо этиб, астойдил меҳнат қилиши туфайли шарафли касб эгаси бўлди. 1965 йил институтни битириш арафасида Рустамни «Ёшлик» студиясига режиссёр қилиб ўтказишди. 10 йил мобайнида у шу муҳарриятда ҳалол меҳнат қилди. «Ёшлик» студиясининг ҳар бир чиқишини радиотингловчи мазза қилиб эшитар эди. Тингловчилардан кўплаб хатлар олинар, улар эшиттиришни янада яхшилаш ҳақидаги ўз фикрлари билан ўртоқлашишар эди. 1970 йилларда «Кўриқ — ёшларни кутади» мавзуида туркум эшиттиришлар тайёрланди. Бу эшиттиришларнинг айримлари ҳали-ҳануз радионинг олтин хазинасида.

Бир куни Рустам Ёвқочев ҳам студия ходимлари билан чўлга бориб, ёшларга яратиб берилаётган шароитлар, уларнинг меҳнат жасоратларини ўз кўзи билан кўриб қайтди. Шундан сўнг ўзлари тайёрлаган эшиттиришни тинглаб ўтириб, уларнинг ҳам чўлда ишлагилари келиб қолди.

Журналист дўсти Собир Умаров билан бирга чўл баҳодирлари ҳаётини чуқурроқ ўрганишга аҳд қилди. 1975—1979 йиллар мобайнида Жиззах ва Сирдарё вилояти хўжаликларида меҳнат қилиб, сўнг яна радиога қайтиб келишди.

Шундан бери 17 йил вақт ўтди. Рустам Ёвқочев Ўзбекистон радиосининг овоз ёзиш уйида режиссёрлик вазифасида фаолият кўрсатиб келаяпти. Ҳох миллий мусиқа: ҳох эстрада, ҳох вокаль-чолғу асбоблари жанрида, ҳоҳ операда бирор бир кўрик-танлови ўтказилиб, у радио тўлқинларида бериладиган бўлса, албатта иштирокчиларнинг чиқишларини магнит тасмасига ёзиб олишда Рустам ака иштирок этган бўлади. Танловларда совринли ўринларни олган санъаткорларнинг овоз тасмалари радио хазинасини бойитиб келмоқда.

Шу билан бирга Рустам Ёвқочев айни дақиқаларда «Тошкент» студиясида тайёрланаётган «Табиат ва инсон», «Нурли йўл», «Қишлоғимиз кишилари», «Қадр-қиммат», «Замин ва замондош» эшиттиришлари мазмунининг мусиқа билан безалишига ҳам ўз муносиб улушларини қўшиб келаяптилар.

Биз Рустам аканинг режиссёрлик фаолиятлари ҳақида қисман ҳикоя қилдик. Бундан ташқари улар спорт соҳасида ҳам ўзига хос маҳорат мактабига эгадир. Шохмот бўйича республика тоифасидаги ҳакам унвонига сазовор бўлганлар. Диддли режиссёр, моҳир спортчи Рустам Ёвқочев бугун 60 ёшга тўлди. Биз уларга бундан буён ҳам мустаҳкам соғлиқ, оилаларига бахт, саодат тилаб қоламиз.

Асад ФОЗИЛОВ.

«Марказий Осиё — ядро қуролидан ҳоли зона» халқаро конференцияси олдидан

ШУНДАЙ АНЖУМАН ТОШКЕНТДА БЎЛАДИ

Марказий Осиё минтақасида ядро қуролидан ҳоли зона яратиш ташаббуси илк бор Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида сўзлаган нутқида илгари сурилган эди. Бу фикр халқаро ҳамжамият томонидан дарҳол қўллаб-қувватланиб, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг 1997 йил февралидаги Алмати учрашувидан кейин халқлар иродасини намойиш этувчи муқаддас гояга айланди. Ўшандан сўнг «Марказий Осиё — ядро қуролидан ҳоли зона» халқаро конференциясини ўтказиш аниқ бўлди. Анжуман шу йилнинг 14-16 сентябрь кунлари Ўзбекистон пойтахти — Тошкентда ўтказилади. Айни кунларда мазкур конференцияга тайёргарлик қизғин бормоқда. Яқинда тараддуд кўришнинг доирасига кирувчи ишчи консультацияларнинг навбатдаги даврасн тугади. Бу сафар Ўзбекистонда меҳмон бўлган Япония халқаро муаммолар институтининг қуролсизланиш ва ядро қуролини тарқатмасликка кўмак бериш марказининг мутахассислари тайёргарликнинг боришидан мамнунлик изҳор қилдилар. Мазкур марказ директори Томоя КАВАМУРА ватанига қайтиш олдидан «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбири билан суҳбатда қуйидагиларни гапириб берди:

— Иккинчи жаҳон уруши йиллари атом бомбаси портлашини бошидан кечирган Япония ядровий қуролланиш даражасини пасайтириш, уни тарқалмаслик муаммоларига бефарқ қараб тура олмайди. Шунинг учун японлар бўлажак халқаро анжуманга катта қизиқиш билдирмоқдалар ва сўзсиз уни ўтказиш ташаббусини қўлламоқдалар.

Ҳозирга келиб, сайёрамизда, Антарктидани ҳисобламаганда, ядро қуролидан ҳоли тўртта зона ташкил қилинди. Афсуски, уларнинг бари экватордан пастда жойлашган. Шимолий ярим шар ҳозирча бу борада мақтана олмайди, шунинг учун Макказий Осиёда бундай зонанинг ташкил этилиши янгилик бўлади.

Масаланинг муҳимлиги шундаки, айнан бизнинг ярим шар кескинлик юқори даражада, кўп йиллик зиддиятлар мавжуд ва қатор минтақавий жанжалларга тўла. Яқин-яқингача бу ердаги вазият келажакка ишонч билан қарашга имкон бермас эди. Марказий Осиёда ядро қуролидан ҳоли зона яратиш, ишонаманки, бошқа минтақалардаги, масалан, Яқин Шарқ ёки Жанубий Осиёдаги айнан шундай жараёнларга ҳам туртки беради. Тошкент анжуманининг муҳим халқаро аҳамияти ҳам шундан иборат.

— Тошкентда ўтган консультацияларга қандай баҳо бераоласиз?

— Муҳокама этилган масалалар кўлами жиҳатидан у жуда бой ва фойдали бўлди. Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги раҳбар ва экспертлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик тадқиқотлар ва минтақалараро тадқиқотлар институти олимлари билан бўлган суҳбатлар чоғида биз нафақат ўзимизнинг минтақа муаммолари бўйича тасаввуримизни бойитдик, балки Ахборот маркази тўплаган баъзи масалалар ва Тошкент конференцияси каби халқаро тадбирларни ўтказишдаги янгиликларга бўлган ўз қарашларимиз билан ўртоқлашдик. Бундай миқёсдаги халқаро анжуманни ўтказиш — жуда мураккаб иш ҳисобланади, аммо менда Ўзбекистоннинг бундай қийинчиликларни енгаётганига ишонч пайдо бўлди.

Марказий Осиё минтақасида талай муаммолар мерос бўлиб қолди. Унинг замини қаърида анчагина уран захиралари бор. Мамлакатингиз СССР таркибига кирган вақтда бу моддадан ядро қуроли ишлаб чиқаришда фойдаланиларди. Сизлар бу соҳа бўйича маълум билим ва технологияларга, яхши тайёргарлиги бор олим ва мутахассисларга эгасизлар. Шу билан бирга ёнгинангизда кўп йиллик зиддиятларга эга ҳудудлар, ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартномани имзоламаган ёки у бўйича олган мажбуриятларини охиригача бажармайдиган баъзи мамлакатлар мавжуд.

Бу ерда атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланишни ривожлантириш ҳам ўзига яраша хавфга эга. Сабаби — минтақанинг зилзилалар зонасида жойлашганлиги, унда давлатлараро очиқ чегараларнинг мавжудлиги, алангаси ядро урушига ўтиб кетиш эҳтимоли бор терроризм ҳодисаларининг бўлиб туришидир. Ядро қуролини тарқатмаслик халқаро ҳуқуқий тартиби мазкур фавқулодда таҳдидларни, шунингдек ядро моддалари ва технологияларнинг тарқалишининг олдини олишга ёрдам беради.

Мен Тошкентда ўзбек ҳамкасбларимдан катта мамнуният билан барча ядрога эга давлатлар вакиллари билан яқин алоқада бўлиб ядросиз ҳудуд бўйича кўп томонлама битимлар тайёрланаётганини эшитдим. Бу ядро қуролини тарқатмаслик механизмларининг самарали таъсири учун жуда муҳимдир. Энди тескари мисол тариқасида Жанубий-Шарқий Осиёда ташкил этилган ядро қуролсиз зона тўғрисида сўзламоқчиман. АСЕАН мамлакатлари бу ҳақдаги битимни ядро қуролига эга давлатлар билан олдиндан консультациялар ўтказмай туриб имзолаганлар. Бу ўз навбатида айрим тушунмовчиликларни, хусусан битимнинг амал қилиш механизми бўйича камчиликлар мавжудлигини кўрсатди.

— Кавамура-сан, мамлакатимиз билан яқиндан танишиш имкони бўлдими?

— Мен Ўзбекистонга таклиф этилганимдан беҳад мамнунман. Бу мен учун катта омад ва бахтдир. Менинг ёшлигим ортда қолди, лекин бирон-бир янгиликни билишнинг ҳар қандай имкониятини қадрлайман. Айниқса, аввал ҳечам бўлмаган ўлкада...

Дастурга биноан гуруҳимизнинг Самарқандга сафари режалаштирилган эди. Қадимги пойтахтингиз билан бирга Бухорони кўришни ҳам жуда хоҳлаган эдик. Меҳмондўст мезбонлар бизга бу шаҳарни ҳам кўрсатганларидан чексиз миннатдормиз.

Айтиб ўтмоқчиманки, Японияда Марказий Осиё мамлакатларига қизиқиш катта. Минтақанниг географик жойлашиши, улкан табиий захираларнинг мавжудлиги, ўлканинг қадимий тарихи, бой маданияти кишини ўзига тортади. Мен ўзим учун ўзбек халқининг табиати, ҳаёт тарзи, дунёқарашида яқинлик борлигини англадим. Меҳнатсеварлик, хушмуомалалик, меҳмондўстлик сифатлари бизларга яқиндир.

Мен мамлакатларимиз ҳамкорлигининг шунчалик жадал ривожланаётганидан, Япония ва Ўзбекистоннинг икки томонлама муносабатларида мавжуд кўпқиррали алоқаларнинг кенгайишига ҳалал бериши мумкин бўлган муаммоларнинг йўқлигидан жуда хурсандман. Менинг фикримча, айнан Марказий Осиё биринчи бўлиб совуқ уруш давридан қолган «муз»ни эритди. Мен Ўзбекистон раҳбарлари ва халқининг минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш учун қилаётган саъй-ҳаракатларини маъқуллайман, бўлажак халқаро анжуман ишининг муваффақиятли ва самарали ўтишига тилакдошман!

О. ШАТУНОВСКИЙ,
«Жаҳон» АА шарҳловчиси.

ДОЛЗАРБ МАСАЛАГА БАҒИШЛАНДИ

«Ўзбеккино» давлат-акционерлик компаниясида кино-видеофаолиятда муаллифлик ҳуқуқи масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Анжуманда кино-видео фаолият билан шуғулланувчи жисмоний ва юридик шахслар, студиялар, кино-видео прокат раҳбарлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари қатнашди.

Сўзга чиққанлар кўпгина ривожланган мамлакатларда аудио-видео-кино маҳсулотлари даромад манбаи бўлиб, халқаро ҳуқуқ нормалари билан қўриқланишини таъкидладилар. Бу асарларни рухсатсиз ёки шартномасиз келтириш, улардан нусха кўчириб сотиш, ижарага бериш ёки намойиш этиш «қароқчилик» дея қораланади.

Шу боис, республикамизда бундай фаолият билан шуғулланувчилар ҳам ана шу халқаро тартиб-қоидаларга қатъий риоя қилиши, ҳукуматимиз бу борада қабул қилган қарорларни изчил бажариши лозим. Шу мақсадда семинарда лицензиатлар (фойдаланувчилар) ўртасида тегишли ҳуқуқий тарғиботни йўлга қўйиш, кенг жамоатчиликни жалб этган ҳолда жойлардаги мувофиқлаштирувчи марказлар фаолиятини кучайтириш чора-тадбирлари белгиланди.

(ЎзА).

БОШЛАНДИ!

ШИМОЛИЙ Атлантика Уюшмасининг шарқ томон кенгайиши тўғрисидаги гапларнинг келиб чиққанлигига анча бўлганлиги ҳаммага маълум. НАТОнинг кенгайиши масаласи дунёнинг турли қитъаларида турлича фикр-мулоҳазалар уйғотди. АҚШ бу муаммога раҳнамолик қилиб, уни тезда амалга ошириш ниятида бўлди. Франция, Испания эса АҚШ ҳарбий бошлиқларининг НАТО таркибида пешқадамлик қилишларига унчалик кўнгилхушлик кўрсатмадилар. Россия, аввал бошданоқ, НАТОнинг Шарқ томон силжишига тиш-тирноғи билан қарши чиқди. Орада мазкур масалага аталган ҳар хил даражадаги учрашувлар, мулоқотлар, йиғинлар, анжуманлар бўлиб ўтди. АҚШ ва Россия президентларининг Хельсинкидаги учрашуви, уюшмага аъзо бўлган давлатлар ҳарбий маҳкамалари бошлиқларининг Брюссель йиғини, Россия билан НАТО муносабатларига тааллуқли асосий тамойиллар борасидаги ҳужжатни имзолашга бағишланган Париж анжумани шулар жумласидандир.

8—9 июль кунлари эса кўпдан бери айтиб келинаётган Мадрид саммити бошланди. Унда НАТОга аъзо 16 давлат раҳбарлари иштирок этдилар. Лекин, бу йиғин арафасида ҳам баланд-паст сўзлар бўлди. АҚШ НАТОга Польша, Венгрия, Чехия Республикасининг киришига илгаритданоқ хайрихоҳ бўлди. Франция эса НАТОнинг таркибига қайтишга рўйхушлик бермади. Чунки, у АҚШ НАТОнинг Овруподаги жанубий қўшинларига овруполик саркарда бўлишига розилик бермаганлигидан хафа бўлди. Шунингдек, Франция Руминия ҳамда Словенияни шу сафар НАТОга таклиф этиш лозим деган ташаббус билан ҳам чиққан эди. Бу таклиф ҳам амалга ошмади. Шу орада Олмония ташқи ишлар вазири Х. Кинкел ҳам биринчи дафъа қабул қилинадиган аъзолар сонини кўпайтирсак, яхши бўларди, деган фикрни айтди.

Лекин, барибир консенсуслик (келишув) асосида дастлабки режа устунлик қилди.

Мадрид анжуманини НАТО Бош котиби Хавьер Солана очди.

У уюшмага янги аъзоликка таклиф этилган уч давлат вакилларини табриклаб, иккинчи гуруҳ мамлакатларни қабул қилиш маросими 1999 йилдан сўнг ўтказилади, деб айтди. Шундай қилиб, НАТОнинг Шарқ томон кенгайиши бошланди. Биринчи қадам қўйилди. Бу сиёсий воқеа хусусида турли мамлакатларда яна ҳар хил фикр-мулоҳазалар айтилиши турган гап.

ИСТИҚБОЛ ОЙДИНЛАШМОҚДА

ИККИНЧИ жаҳон урушидан кейин илгари бир бутун бўлган мамлакатлар икки ёҳуд ундан кўп қисмларга бўлиниб кетган эди. Олмония, Вьетнам, Корея давлатларининг қисмати ана шундай бўлди. Қизил империя даврида Шимолий ва Жанубий Вьетнам бирлаштирилди. СССР ва Варшава шартномаси нураганидан сўнг эса Ғарбий Олмония билан Олмония Демократик Республикаси урушдан аввалги холатига қайтди. 1953 йиллардаги урушдан кейин иккига бўлиниб кетган Корея мамлакатининг истиқболи эса ҳамон номаълум бўлиб турипти.

Сўнгги йилларда бу муаммони ижобий ҳал этиш учун дунёдаги йирик мамлакатлар раҳбарлари ташаббус билан чиқа бошладилар. Аввало, Корея Халқ Демократик Республикаси ва Корея Республикаси (Шимолий Корея ва Жанубий Корея) вакиллари, жамоатчилик ташкилотлари ўртасида тор доирада бирлашиш хусусида мулоқотлар олиб борилди. Кейинчалик бу йўналиш баландроқ савияга кўтарилди. Ишонамизки, бу саъй-ҳаракатлар ўзининг хайрли интиҳосини топади.

16 июнь, 2 июль кунлари КХДР вакиллари АҚШда бўлиб, навбатдаги босқич музокараларида иштирок этдилар. Ҳатто, меҳмонлар АҚШнинг айрим қурол-яроғларни назорат қилиш марказларида ҳам бўлдилар. 10 июль куни эса музокараларнинг янги босқичи бошланди. Унда АҚШ ҳамда Жанубий Кореянинг КХДРга таклифлари муҳокама этилди. 1950 — 1953 йиллардан кейинги яраш битимини ўзгартириш масаласи ўртага ташланди. Эндиликда — яқин кунларда яъни 8 августда «тўртлик» учрашуви бўлиши кутилмоқда. Унда Корея Республикаси, КХДР, АҚШ ва ХХРнинг юқори мартабали, ваколатли вакиллари иштирок этадилар.

ДУНЁ АЁЛЛАРИ ВЕНАДА ЙИҒИЛИШДИ

БАШАРИЯТ тараққиётининг ҳозирги босқичига келиб, аёлларнинг сиёсий, қонунчилик ва амалий ҳаётдаги ўрни ўзига хос аҳамият касб эта бошлади. Зотан, турли мамлакатларда аёлларнинг кундалик мавқеи халқаро андозаларга унчалик тўғри келмаётир. Бунга ишсизлик, қашшоқлик, саводсизлик, таҳқирлаш, ҳуқуқсизлик каби иллатлар сабаб бўлмоқда. Хусусан, Африка қитъасидаги хотин-қизларнинг турмуш тарзи билан ривожланган мамлакатлардаги аёлларнинг сиёсий, маданий, ижтимоий, маиший ҳаётини таққослаб бўлмайди.

9—11 июль кунлари Венада иш бошлаган аёлларнинг халқаро анжуманида ана шу муаммолар борасида сўз юритилди. Унда дунёдаги 150 мамлакатдан 1500 нафарга яқин вакилалар қатнашдилар. Иштирокчилар Шарқий, Марказий, Ғарбий Оврупо, Шимолий Америка ҳамда бошқа қитъалардан ташриф буюришган эди.

АҚШ Президентининг рафиқаси Хиллари Клинтон хоним асосий маърузачи бўлди. «Муҳим овоз: аёллар демократия шароитларида» шиори остида ўтган уч кунлик анжуманда Италиянинг собиқ ташқи ишлар вазири Сьюзан Аньелли, АҚШ Олий суди аъзоси Сандра Дей О'Коннор, Оврупо Иттифоқининг инсонпарварлик масалалар бўйича комиссари Эмма Бонино, Чехия сенати вице-президенти Ярослава Мошерова сингари машҳур арбоблар ҳам иштирок этдилар.

Албания, Белоруссия, Болгария, Хорватия, Эстония, Венгрия, Латвия, Литва, Македония, Польша, Руминия, Россия, Украина каби мамлакатлардан келган аёллар энг долзарб масалалар хусусида фикр алмашдилар. Улар, хулоса қилиб айтганда, Ғарб Шарқни ўргатиши керак эмас, аксинча, улар бир-бирига ёрдам бериб, ҳамкорлик қилиши лозим, деган умумий фикрга келдилар.

Анжуман ишини кўпгина мамлакатларнинг оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳамда «Интернет» тизилмасига кирувчи махсус дастурлар кенг ёритди.

ХАСАВЮРТ ҚУРБОНЛАРИ

ЧЕЧЕНИСТОН билан Россия ўртасида тинчлик шартномаси имзоланганлигига ҳам, мана, бир неча ой бўлди. Лекин, ҳамон бу минтақада том маънодаги тинчлик барқарор бўлмаяпти. Гоҳо турли қуролланган гуруҳлар ўртасидаги тўқнашувлар, гоҳо икки давлат маҳкамалари муносабатидаги келишмовчиликларга доир жанжаллар, одам ўғирлаш, босқинчилик қилиш каби хунук воқеалар ижобий умидворликка раҳна солмоқда.

Ана шундай фожиали ҳодисалардан бири сешанба куни Доғистоннинг Хасавюрт шаҳарчаси остонасида рўй берди. Эрталаб шаҳарга кириб келаётган милиция ходимлари тушган ёпиқ юк машиналари дафъатан портлаб кетди. Натижада, 10 киши ўлди, 6 одам жароҳатланди. Маълум бўлишича, улар Доғистонда ва Шимолий Кавказда осойишталик ўрнатиш жараёнларида қатнашаётган москвалик ва санкт-петербурглик милиция ходимлари экан. Бу террорчилик ҳуружи ҳамма ерда нохуш таассурот уйғотди. Чеченистон Республикаси президенти Аслан Масхадов «Виждонсизлик билан амалга оширилган бу иш Чеченистонда ва умуман Шимолий Кавказда тинчлик ўрнатилишига қаттиқ қаршилик кўрсатаётган маҳфий кучларнинг кирдикорларидан бошқа нарса эмас», деб айтди. 9 июль — мотам куни деб эълон қилинди.

НАФИ КАТТА БЎЛАДИ

ИСРОИЛЛИК бир гуруҳ олимлар гиёҳвандликка одатланишнинг олдини оладиган услубни кашф этдилар. Бу ерда гап бош мияда гиёҳвандликка ўрганиш ва одатланишни келтириб чиқарадиган жараён ҳамда руҳий тобеъликни туғдирувчи ишоралар юборилишига жавоб берувчи ген ҳақида боряпти.

Қуддуснинг «Герцог» шифохонаси ва Беэршевнинг Бен Гурион номидаги дорилфунуни мутахассислари олиб борган тадқиқотлар кутилмаганда яхши натижалар берди. 141 нафар гиёҳванд ва 111 нафар бундай моддаларни истеъмол қилмайдиган эркаклар текширувдан ўтказилди. Гиёҳвандликка мойил этувчи ген деярли аниқланди. Энди уни ҳар бир инсонда топиб, тиббиёт йўли билан муолажа тадбирлари ўтказиш мумкин бўлади. Исроиллик олимларнинг мазкур кашфиётига жаҳондаги йирик даволаш муассасалари катта қизиқиш билан қарамоқдалар. Яқин келажакда ўтказиладиган фаол тажрибалар ижобий бўлиб чиқса, кўплаб инсонлар, сўзсиз ажал чангалидан сақлаб қолинади.

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

ДУШАНБА, 14

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00, 8.30 «Ҳафтанома».
8.30 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Мусиқа бўстони».
9.00 «Соғлом авлод учун».
9.20 «Буюк ёпилиш». Мультфильм.
9.30 «Сирли сандиқ». Телевизион ўйин.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Ҳазинамиз таянчи».
10.35 «Камолот сари». Чиноз Агротадбиркорлик коллежи фаолияти ҳақида.
10.55 Дони Зокиров номидаги халқ чолғу оркестрининг концерти.
11.25 «Бухоро — мурувват шаҳри». Телефильм.
11.35 «Бокира туйғулар». Публицистик кўрсатув.
11.50 Р. Маъдиев, Ф. Олимов. «Девона». Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқий театрининг спектакли.
14.00—14.05 Янгиликлар.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Яшил орол сири». Мультфильм.
18.20 «Умидли дунё». Публицистик кўрсатув.
18.40 Таэквандо. Жаҳон чемпионати.
19.05 «Ислоҳот ва масъулият».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот». (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари. «Булоқ кўз очди».
21.20 «Санъат усталари». Ўзбекистон халқ артисти Тўйчи Орипов.
21.50 «Сиёсат оламида».
22.20 Қўшиқ ва рақслар.
22.40 Телетомошабинларнинг талабларига биноан. «Виждон». Телесериал. 10-серия.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 «Олам ва одам».
00.20—00.25 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 Кундалик.
18.15 Эълонлар.
18.20 «Ёрилтош». Мультфтўплам.
18.35 «Сув ости дунёси».
19.20 «Спорт қитъаси».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Фолти минораси» меҳмонхонаси». Телесериал.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.10 Кинонигоҳ.
22.00 Кундалик.
22.05 «Бебаҳо лаҳзалар».
22.15 «Спорт қитъаси».
23.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
23.50—24.00 Кундалик.

III

17.15 Янгиликлар.
*
17.20 — 20.30 Россия жамоат телевидениеси.
*
20.30 «Кругозор». Тележурнал.
*
21.00 — 21.30 Россия давлат телевидениеси.
*
21.30 Эълонлар.
20.35 «Канизак Изаура». Телесериал.
22.35 «Лагич». Телефильм.
23.00 — 23.20 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультькарусель».
19.05 Эълонлар.
19.10 «Кўнгли синиқлар мактаби». Телесериал.
19.35 «Тасвир».
19.40 «Сўз — сизга».
19.50 «Жаҳон».
20.10 «Ракурс».».
20.40 «Умид».
21.10 «Гўзаллик ва мангулик».
21.30 «Спорт-тайм».
22.00 Эълонлар.
22.05 «Кинематограф» «Тунги талваса». Телесериал.
22.55 — 23.05 «Хайрли тун!»

СЕШАНБА, 15

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
***
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Олам ва одам».
9.00 Биржа ва банк хабарлари.
9.15 «Виждон». Телесериал. 10-серия.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Мен туғилган тупроқ». Телеочерк.
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 «Абитуриент—97» Она тили.
11.00 Инглиз тили.
11.30 Қўшиқ ва рақслар.
11.50 «Асал ари бўлган экан». Мультфильм.
12.05 «Инсон — ҳаёт гултожи».
12.30 «Чемпион билан учрашув».
12.50 «Самурайлар байроғи». Бадиий фильм. 1-серия.
14.00 Янгиликлар.
14.05—15.15 «Самурайлар байроғи». Бадиий фильм. 2-серия.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Суварак». Мультфильм.
18.20 «Умид учқунлари».
18.40 Олтин мерос. «Ҳунарманд». Тележурнал.
19.00 «Инсон ва қонун». Ҳуқуқий кўрсатув.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Исмлар тарихи».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 «Мусиқа ва шеърият».
21.55 «Вазият» Публицистик кўрсатув.
22.10 «Тақдиринг қўлингда». Бадиий фильм.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 «Япония ҳақида ҳикоялар».
00.15—00.20 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 Кундалик.
18.15 Эълонлар.
18.20 «Ёрилтош». Мультфтўплам.
18.35 «Палитра».
18.50 «Дойче Велле» тақдим этади...»
19.10 «Нафис мажлислар».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Фолти минораси» меҳмонхонаси». Телесериал.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.10 Кинонигоҳ.
22.50 Кундалик...
22.55 «Акс»
23.15 «ТВ плюс...»
23.30 «Спорт қитъаси»
24.00—00.10 Кундалик.

III

17.15 Янгиликлар.
*
6.30 — 8.00, 17.20 — 20.30 Россия жамоат телевидениеси.
*
20.30 «Винни-Пух», «Олтин жўжа», «Қочоқ велосипед». Мультфильмлар.
*
21.00 — 21.30 Россия давлат телевидениеси.
*
21.30 Эълонлар.
21.35 «Цирк майдонига йўл». Бадиий фильм.
22.50 «Чотқол тизмаларида». Телефильм.
23.00—23.20 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультькарусель».
19.05 Эълонлар.
19.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.00 «Сен ҳақингда ва сен учун». Ахборот-дам олиш дастури.
20.15 «Солиқ ҳақида сабоқлар».
20.30 «Дорихона эшитади».
21.00 «Долзарб репортаж».
21.30 «Америкага назар».
22.00 Эълонлар.
22.05 «Кинематограф». «Тунги талваса». Телесериал.
22.55 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
23.25—23.35 «Хайрли тун!»

ЧОРШАНБА, 16

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
***
8.25 «Мусиқа ва шеърият».
9.00 «Япония ҳақида ҳикоялар».
9.20 «Кетмас давлат берсин».
9.50 «Чумчуқвой». Мультфильм.
10.00 Янгиликлар.
10.05 Болалар учун. «Ёзимиз соз ўтмоқда».
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 «Абитуриент—97». Физика.
11.00 Янги алифбони ўрганамиз.
11.30 «Фитна». Бадиий фильм.
13.05 «Сайқал». Видеоканал.
14.00 Янгиликлар.
14.05—15.40 В. Гюго. «Қиролнинг дилхуши». Телевизион театр.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Бу ёруғ оламда Ватан биттадур...»
18.25 «Сиҳат-саломатлик».
18.45 «Орзулар қанотида», Ёшлар тележурнали.
19.05 Сиёсий партиялар ва ҳаракатлар: «Маслак ва мақсад».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Автоолам».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
21.20 Телетомошабинларнинг талабларига биноан Алп Жамол. «Тойчоқ» Видеофильм. 1-қисм.
22.05 Эстрада концерти.
22.25 «Биламиз-у, аммо...»
22.45 «Виждон». Телесериал. 11-серия.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Дўстлик» (Тошкент вилояти) — «Трактор» (Тошкент).
00.40—00.45 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 Кундалик.
18.15 Эълонлар.
18.20 «Ёрилтош». Мультфтўплам.
18.35 «Классик куйлар кечаси».
18.55 «Услуб».
19.05 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Фолти минораси» меҳмонхонаси». Телесериал.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Оҳанглар ва эълонлар.
21.10 «Кинонигоҳ».
22.40 Кундалик.
22.45 «Спорт қитъаси».
23.15 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
00.05—00.15 Кундалик.

III

17.15 Янгиликлар.
*
6.30 — 8.00, 17.20 — 20.30 Россия жамоат телевидениеси.
*
20.30 «Шоҳсупа сари йўл». Спорт дастури.
*
21.00 — 21.30 Россия давлат телевидениеси.
*
21.30 «Зоддор отлар», «Ҳунарманд санъати». Телефильмлар.
21.55 Эълонлар.
22.00 «Канизак Изаура». Телесериал.
23.00—23.20 «Ахборот». (рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультькарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Кўнгли синиқлар мактаби». Телесериал.
19.30 «Чашма».
20.00 «Спорт-лото».
20.10 «Мезон».
20.40 «Азизим».
21.10 «Автосалтанат».
21.20 «Бу ажиб дунё».
21.40 «Ҳуқуқ ва бурч».
22.00 Эълонлар.
22.05 «Кинематограф». «Тунги талваса». Телесериал.
22.55 «Кафолот».
23.25—23.35 «Хайли тун!»

ПАЙШАНБА, 17

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Беназир санъаткор».
8.55 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
9.15 «Виждон». Телесериал. 11-серия.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Қишлоқ ҳақида ўйлар». Ўзбек аёли.
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 «Абитуриент-97». Математика.
11.00 «Ўзбек тилини ўрганамиз».
11.30 «Зўр ўтирибмиз». Бадиий фильм.
12.45 Наманган вилояти «Навбаҳор» ашула ва рақс ансамблининг концерти.
13.15 Алп Жамол. «Тойчоқ». Видеофильм. 1-қисм.
14.00 Янгиликлар.
14.05 — 15.10 Болалар учун фильм. «Олти жаҳонгашта».
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Кувноқлар даврасида».
18.30 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор» (Тошкент) — «Нефтчи» (Фарғона). «Пахтакор» Марказий ўйингоҳидан олиб кўрсатилади. 1-тайм.
19.15 «Ахборот» (рус тилида).
19.30 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор» (Тошкент) — «Нефтчи» (Фарғона). 2-тайм.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Юзма-юз».
21.20 «Барҳаёт наволар». Ўзбекистон халқ артисти Комилжон Отаниёзов.
21.50 «Нажот излаб».
22.10 Алп Жамол. «Тойчоқ». Видеофильм. 2-қисм.
22.45 «Дил тароналари». Фильм-концерт.
23.00 «Ёзув столидан репортаж».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 «Хаёлот уфқлари». Бадиий-публицистик кўрсатув.
00.15 — 00.20 «Ватан тимсоллари».

II

9.00 «Мультипанорама».
9.25 «Турфа олам».
9.45 «Туҳфа».
10.05 «Бу мунис лаҳзалар».
10.30 «Соғинч».
10.40 Телесериал.
11.30 «Тақвим».
11.40 «Видео-О».
13.15 — 14.30 Болаларнинг ёзги таътил кунларида.
***
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 Даракчи.
18.15 Эълонлар.
18.20 «Кўзмунчоқ».
18.35 «2000 йилдан сўнг». Телесериал.
18.50 «Бир жуфт қўшиқ».
19.00 «Билиб қўйган яхши».
19.10 Эълонлар.
19.15 «Ахборот» (рус тилида).
19.30 Эълонлар.
19.35 «Дубляж».
19.50 «Қатрада қуёш».
20.05 «Мутойиба».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Мумтоз наволар. «Муножот».
21.20 «Одобнома».
21.40 Эълонлар.
21.45 «Кино жавонидан». «Зулматни тарк этиб». Бадиий фильм.
23.15 — 23.25 Даракчи.

III

17.15 Янгиликлар.
*
6.30 — 8.00, 17.20 — 20.30 Россия жамоат телевидениеси.
*
20.30 Болалар учун фильм. «Валерка, Рэмка, плюс...»
*
21.00 — 21.30 Россия давлат телевидениеси.
*
21.30 Эълонлар.
21.35 «Гарри ва Хендерсонлар». Бадиий фильм.
23.15—23.35 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
18.45 «Мультькарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
19.55 «02» тўлқинида».
20.10 Эълонлар.
20.15 «Эльдорадо». Телесериал.
20.45 «Каталог».
20.55 «Европа манзаралари». Швейцария.
21.20 «Она».
21.50 «Минг бир маслаҳат».
22.05 «Голливуднинг ажабтовур ўйинлари». Сериал.
22.35 «Компьютер ревю».
22.50 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
23.20 — 23.30 «Хайрли тун!».

ЖУМА, 18

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Барҳаёт наволар». Ўзбекистон халқ артисти Комилжон Отаниёзов.
8.55 «Юзма-юз».
9.15 «Хаёлот уфқлари». Бадиий-публицистик кўрсатув.
9.35 «Фан фидоийси». УзР ФА мухбир-аъзоси Жавлон Мақсумов.
10.00 Янгиликлар.
10.05 Юнон — Рим кураши: хотиравий турнир.
10.30 «Абитуриент-97». Кимё.
11.00 «Ялқов». Мультфильм.
11.10 «Оламни асранг». Тележурнал.
11.35 «Табор кўкка интилади» Бадиий фильм.
13.05 «Туркистон — умумий уйимиз».
13.25 Алп Жамол. «Тойчоқ». Видеофильм. 2-қисм.
14.00 Янгиликлар.
14.05 — 15.10 Болалар учун фильм. «Жонли камалак».
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Уйқу салтанати». Мультфильм.
18.20 «Қалб гавҳари». Адабий-маърифий кўрсатув.
18.40 «Олтин мерос». Рақс, рақс, рақс.
19.00 «Менда фикр бор». Тадбиркорлар клуби.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Омонлик тилаймиз».
20.10 «Оқшом эртаклари».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Иқтисод алифбоси».
21.30 Мумтоз наволар.
21.40 «Маърифатнома».
22.20 Алп Жамол. «Тойчоқ». Видеофильм. 3-қисм.
22.55 «Куйла, ёшлигим».
23.05 «Виждон». Телесериал. 12-серия.
23.50 Эълонлар.
23.55 «Ахборот».
00.20 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Тошкентга марҳамат».
00.35 — 00.40 Ватан тимсоллари.

II

9.00 «Кўзмунчоқ».
9.15 «2000 йилдан сўнг». Телесериал.
9.30 «Бир жуфт қўшиқ».
9.40 «Билиб қўйган яхши».
9.50 «Дубляж».
10.05 «Қатрада қуёш».
10.20 «Мутойиба».
10.35 Мумтоз наволар. «Муножот».
10.55 «Одобнома».
11.15 «Кино жавонидан». «Зулматни тарк этиб»
12.45 — 14.15 Болаларнинг ёзги таътил кунларида.
***
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 Даракчи.
18.15 Эълонлар.
18.20 «Бор экан-да, йўқ экан...»
18.40 «Камолот».
19.00 «Ҳар лаҳзада қўшиқ».
19.05 «Ёнмаган ёзувлар».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Эртага — шанба».
20.05 «Жарангдор соз».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ривоят».
21.10 «Йирик планда». Видео янгиликлари.
21.30 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.40 «Кинонигоҳ».
23.10 «Спорт қитъаси».
23.30 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
00.20 — 00.30 Даракчи.

III

17.15 Янгиликлар.
*
6.30 — 8.00, 17.20—20.30 Россия жамоат телевидениеси.
*
20.30 «Мусиқа ҳамма учун».
*
22.00—22.30 Россия давлат телевидениеси.
*
22.30 Эълонлар.
22.35 «Канизак Изаура». Телесериал.
23.05—23.25 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультькарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Кўнгли синиқлар мактаби». Телесериал.
19.30 «Умид чечаклари».
20.00 «Рангинкамон».
20.30 «Уй остонадан бошланади.».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Эльдорадо». Телесериал.
21.35 «Шаҳрим—фахрим».
22.05 «Бу бўстон аро».
22.35 «Йўллар ортидаги йиллар».
23.05 «Латофат».
23.25 «Хат ва ҳаёт».
23.45—23.55 «Хайрли тун!».

ШАНБА, 19

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Мусиқий хазина». Феруз.
9.05 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Мусаввир нигоҳи».
9.15 «Виждон». Телесериал. 12-серия.
10.00 «Шоҳруҳ клуби».
«Ёшлик» студияси намойиш этади:
10.20 «Аудитория».
10.45 «Умр йўллари».
11.05 «Баҳс».
12.25 «Чақирилмаган меҳмонлар». Бадиий фильм.
12.45 «Уйла, изла, топ». Телемусобақа.
13.30 Алп Жамол. «Тойчоқ». Видеофильм 3-қисм.
14.05 — 14.25 «Туташ тақдирлар».
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Мультолам.
18.20 «Қўшиқ ёзувчи шоирлар». Камтар Отабоев.
18.55 «Уйғоқ кунлар». Кинокўрсатув.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 Ўзбекистон янгиликлари (инглиз тилида).
20.15 «Жаҳон спорти янгиликлари».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Ўзбекистоннинг янги тарихи.
21.30 Султонмурод Олим. «Дўппи». Видеофильм.
21.45 «Ўзбекистон — Ватаним маним!» Ўзбекистон қўшиқ байрами.
22.15 Алп Жамол. «Тойчоқ». Видеофильм. 4-қисм.
«Тунги ёғду». Дам олиш дастури:
22.45 «Куй ва тасвир».
23.05 «Бобби». Бадиий фильм. 1-2-сериялар.

II

9.00 «Бор экан-да, йўқ экан».
9.20 «Камолот».
9.40 «Ҳар лаҳзада қўшиқ».
9.45 «Ёнмаган ёзувлар».
10.05 «Жарангдор соз».
10.25 «Ривоят».
10.35 «Йирик планда». Видео янгиликлари.
10.55 «Кинонигоҳ».
12.25 «Спорт қитъаси».
12.45 — 14.00 Болаларнинг ёзги таътил кунларида.
***
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 Эълонлар.
18.20 «Боланинг тили».
18.35 «2000 йилдан сўнг». Телесериал.
18.50 «Табиат шифохонаси».
19.00 «Қонун ҳимоясида».
19.10 Киноконцерт.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Бизнес-академия».
20.10 «Умрбоқий мерос».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Зиндаги ёхуд муҳаббат».
21.25 Телесериал.
22.15 «Телевидение ва театр».
22.35 «Интер-футбол».
22.55 Оҳанглар ва Эълонлар.
23.05 «Видео-О».
00.35 — 00.45 «Даракчи».

III

17.00 Дастурининг очилиши. Эълонлар.
17.05 Болалар учун фильм. «Буратинонинг саргузаштлари». 1-серия.
*
18.10—20.30 Россия жамоат телевидениеси.
*
20.30 Цирк дастури.
21.20 Эълонлар.
21.25 «Уч қалб эгаси». Бадиий фильм. 1—2-сериялар.
23.05—23.15 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Оддий кун».

IV

9.00 «Аэробика».
9.20 Эълонлар.
9.25 «Сочи шаҳридаги оромли тунлар». Бадиий фильм. 1—2-сериялар.
11.30 «Спектаклдан сўнг».
12.00 «Шанба эртаги».
13.00—13.20 «Корейс тилини ўрганамиз».
***
17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультькарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
19.55 «Шанба оқшомида».
20.05 Эълонлар.
20.10 «Рақслар қанотида».
20.40 «Чинсен».
21.10 «Эсдалик учун дастхат».
21.40 «Бу ажиб дунё».
22.00 «Ассалом, Франция!» Мусиқий илова. Далида.
22.35 «Самодаги олмослар». Телесериал.
23.20 «Хит-коллекция».
23.40—23.50 «Хайрли тун!».

ЯКШАНБА, 20

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Лирик тароналар».
«Ёшлик» студияси намойиш этади:
11.30 «Менга сўз беринг».
12.05 «Табассум кўчалари».
12.20 Бугун — Металлурглар куни. «Олов билан юзма-юз».
12.50 «Таня ва икки мушкетёр». Бадиий фильм.
14.00 «Мусобақалар, очколар, секундлар».
14.15 Алп Жамол. «Тойчоқ». Видеофильм. 4-қисм.
14.45 — 15.45 «Нурли келажак». Видеоканал.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Кичкинтоймиз-гижингтоймиз».
18.20 «Олам». Кинокўрсатув.
18.40 «Баҳодир Шоҳ Зафар». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 7-қисм.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Бир ўлка-ки...»
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Пардали гап».
21.45 Ўзбекистон халқ ҳофизи Орифхон Ҳотамов куйлайди.
22.15 Алп Жамол. «Тойчоқ». Видеофильм. 5-қисм.
22.55 Футбол майдонларида.
23.15 «Сермуҳаббат қарға». Катталар учун мультфильм.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ҳафтанома».
24.00 — 00.10 Ватан тимсоллари.

II

9.00 «Боланинг тили...»
9.15 «2000 йилдан сўнг». Телесериал.
9.30 «Табиат шифохонаси».
9.40 «Қонун ҳимоясида».
9.50 Киноконцерт.
10.05 «Бизнес-академия».
10.20 «Умрбоқий мерос».
10.35 «Зиндаги ёхуд муҳаббат».
11.00 Телесериал.
11.50 «Телевидение ва театр».
12.10 «Интер-футбол».
12.30 Видео— «О».
14.00 — 15.15 Болаларнинг ёзги таътил кунларида.
*
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 Эълонлар.
18.20 «Мультипанорама».
18.40 «Синфдош».
19.00 «Пойинтар-сойинтар».
19.10 «Келгуси ҳафтада».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Мусиқа салтанати».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Жараён».
21.15 Телесериал.
22.00 «Миллионлар ўйини».
22.35 «Тақвим, оҳанглар, эълонлар».
22.50 Видео — «О».
00.15 — 00.25 «Даракчи».

III

16.15 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
16.20 Болалар учун фильм. «Буратинонинг саргузаштлари». 2-серия.
*
17.25—20.50 Россия жамоат телевидениеси.
*
20.50 Эълонлар.
20.55 «Уч қалб эгаси». Бадиий фильм. 3—4-сериялар.
22.35—23.00 «Панорама».

IV

9.00 «Эй! Тонгингиз хайрли бўлсин!».
9.30 «Парле ву франсэ».
10.00 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
11.40 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
11.50 Эълонлар.
11.55 Киносалон. «Ваҳший»-2".
13.30 «Ракурс».
14.00 «Жанглар». Бадиий фильм.
15.45 «Шу куннинг мавзуси».
16.00 «Жонли сайёра».
16.20 «Сенинг вақтинг».
16.40 Мультэкран.
*
17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультькарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Менинг кучам».
19.20 «Баревцез». Арман куйларидан концерт.
19.40 «Телеташриф».
20.00 ««Афсоналар ва ҳақиқат». Рим ва Ватикан.
20.40 «Иштирок этувчилар». Тўлаган Тожихўжаев.
21.10.»Жаҳон кинематографияси янгиликлари».
21.40 Эълонлар.
21.45 Киносалон. «Ғайритабиий ўйин». Бадиий фильм.
00.05—00.15 «Хайрли тун!»

ОҚИБ КЕТГАН АРМОНЛАР

Шеърият гулшани

ШЕЪР — лаҳзанинг маҳсули, шеър — шоир кўнглида юз очган рангнинг сўздаги жилоланиши. Шеър — қуёш чиққунча умр кўрса ҳам дунёга мусаффолик ҳадя этаётганидан қувончига сиғмаган шабнамнинг қаҳқаҳаси. Шеър — орқага қайтишни ор билган жилғанинг қўшиғи. Шеър — ошиқнинг қўшиғи.

Қуйида шоир Маҳмуд Тоировнинг «Оқиб кетган армонлар» тўпламига киритилган янги шеърларидан муштарийларни баҳраманд этар эканмиз, ўйлаймизки, шоир билан бу галги учрашув ҳам қувончли бўлади.

ҚАДИМ СЎЗ

Қадим боболардан қолган қадим сўз,
Ҳаммадан қолади бу кўҳна дунё.
Менинг ҳам бўғзимни ўртайди шу бўз,
Ҳаммадан қолади бу кўҳна дунё.

Тишлаган бурда нон тишга насиба,
Ерга тушган увоқ қушга насиба.
Кун битса қултум сув бўлмас насиба,
Ҳаммадан қолади бу кўҳна дунё.

Бойлигинг бошингга болиш бўлмайди,
Ким айтар, кўзингга тупроқ тўлмайди.
Тобутда Искандар қўли йиғлайди,
Ҳаммадан қолади бу кўҳна дунё.

Отгувчи ҳар тонгда умид юз очар,
Тириксан, бошингда қуёш нур сочар.
Ҳасадгўй, ҳасисдан барака қочар,
Ҳаммадан қолади бу кўҳна дунё.

Инсонсан ҳар жонга вафолар қилгин,
Тошни тош билмагин, садолар қилгин.
Дуо ол, ўзинг ҳам дуолар қилгин,
Ҳаммадан қолади бу кўҳна дунё.

Кўз очсанг кўзингда меҳрлар кулсин,
Сўз очсанг сўзингда сеҳрлар кулсин.
Маҳмуд, савоб билан изларинг тўлсин,
Ҳаммадан қолади бу кўҳна дунё.

ТУЛПОРЛАРИМ, ҚАЙДАСИЗ?

Ёлингизни силай деб ёлвордим тушларимда,
Кўргайман сизни фақат хаёлда, хушларимда.
Келдингиз емиш берай қўлдамас, тишларимда,
Туёқлари тош тешган тулпорларим, қайдасиз?

Эшак миниб бекликни истаб юрган зотлар кўп,
Шоҳман дейди, аслида пиёдадан мотлар кўп.
Равон йўлда қоқилиб туролмаган отлар кўп,
Туёқлари тош тешган тулпорларим, қайдасиз?

Алпомишнинг қаноти, Гўрўғлининг ҳаёти,
Ҳазрат Амир Темурнинг дунёни қучган оти,
Кеч очилган кўзимнинг қонлар томган фарёди,
Туёқлари тош тешган тулпорларим, қайдасиз?

Отдан тушиб, эгардан тушмай юрган тўралар,
Мен ўзимга бекман деб ҳар биттаси керилар,
На бек, на от қадрига етмадик-ку, жўралар,
Туёқлари тош тешган тулпорларим, қайдасиз?

Тулпорларим, руҳингиз турсин Туронни алқаб,
От босмаган изларни тойлар босса не ажаб.
Майли, тушимга киринг, кетмангиз мени ташлаб,
Туёқлари тош тешган тулпорларим, қайдасиз?

АЛЛОҲДАНДИР

Кўзингизни очмасми келмас бўлиб кетганлар,
Дийдангизда ёшмасми умри елда ўтганлар,
Кўксингизда тошмасми гуноҳларга ботганлар,
Бошга тушган балолар қилмишу гуноҳдандир,
Покланиш аҳди биздан, покламоқ Аллоҳдандир.

Гар дилингда ор бўғай, имон барқарор бўлғай,
Майсалар шабнамларга юз чайса мадор бўлғай,
Болишингда бахт бўлса, тилингда алёр бўлғай,
Ким дер дарвешга назар бошдаги кулоҳдандир,
Ибодат бандасидан, ижобат Аллоҳдандир.

Қуёш кўкнинг султони, ой осмоннинг малаги,
Дунёга нур улашмоқ оқилларнинг тилаги,
Гулга хасни қўшмагай қиёматнинг элаги,
Тириклик бандасига ҳар дами огоҳдандир,
Ибрат излаган олсин ул Расулуллоҳдандир.

Қадрингни расо қилган асли тоза ниятдир,
Аллоҳ зикрини тутсанг ул калима оятдир,
Кўксингда тоғ кўтарсанг бу куч самимиятдир,
Йиқилиб омон турсанг бошдаги паноҳдандир,
Фақирлик сендан Маҳмуд, паноҳинг Аллоҳдандир.

НАМОЗШОМГУЛ

Намозшомда ҳовлимда кулиб чиққан қуёшим,
Ғубор инган нигоҳни тилиб чиққан қуёшим,
Қувонч бўлиб пойингга тўкилади бардошим,
Намозшомгул, номингдан айланайин, жон гулим.
Ёнмоқ сенинг навбатинг, ёнгин энди, ён гулим.

Ойнинг нурлари сингай гулгун ёноқларингда,
Юлдуз шуъласи куйгай, гулим, дудоқларингда,
Қай ошиқ армони бор тунги сўроқларингда,
Намозшомгул, номингдан айланайин, жон гулим,
Ёнмоқ сенинг навбатинг, ёнгин энди, ён гулим!

Гулзор аро капалак қувончларга қоқилғай,
Баргларингга чўк тушиб яратганга топингай,
Йўқотганим шодлигим кулгичингдан топилгай,
Намозшомгул, номингдан айланайин, жон гулим,
Ёнмоқ сенинг навбатинг, ёнгин энди, ён гулим.

Ағёр айтса ишонма, қошингдаги булбулман,
Мен булбулга айланган пойингдаги бир қулман,
Ёноғингда ёлборган шабнамдай пок бир дилман,
Намозшомгул номингдан айланайин, ҳон гулим,
Ёнмоқ сенинг навбатинг, ёнгин энди, ён гулим!

Маҳмуд ТОИРОВ.

Мозик лавҳалари

БОҚИЙ УМР

— Туғилган кунингизга даъват қилганингиз учун ташаккур этаман, минг йил роҳат ва фароғатда умр кўринг, — деди бир фозил дўстига.

— Мумкин бўлмаган сўзни оғзингиздан чиқардингиз, бир одамнинг минг йил умр кўришига ақл бовар қиладими?! Бундай сўзни айтиш сиздек олим ва фозил кишига муносибмикан?

— Инсоннинг тириклиги фақат жисмининг боқийлиги билангина эмас. Одам минг йил умр кўрмаслигини ҳамма билади. Лекин, вафотидан кейин қолдирган яхши номи билан яна минг йиллар умр кўриши мумкин. Сизнинг олижаноб, марҳаматли, шафқатли одам эканлигингизни халқ унутмай, номингизни доимо ҳурмат билан ёд этиб туради. Вафотингиздан кейин ҳам қилган яхшилигингизни халқ унутмайди, номингизни кўнглида абадий сақлайди, деган маънода «Минг йил умр кўринг» дедим, — деб жавоб берибди фозил.

— Ҳақ гап, доно гапни айтдингиз, тан бердим, — деган экан дўсти.

УЧ БУЮК ТАБИБ

БИР ТАБИБ оғир бетоб бўлиб ётиб қолди. Унинг шогирдлари йиғилиб, устозларини даволашга киришдилар. Хаста устоз уларга:

— Севимли шогирдларим, мени даволаш учун бехуда захмат чекманг, тузалишдан умид узганман, умрим тугаганга ўхшайди. Вафот топганимдан кейин қайғириб оҳ-воҳ қилманг. Чунки, ўрнимга учта буюк табиб қолдириб кетаман. Шу зўр уч табибнинг маслаҳатларига қулоқ тутинг ва бошқаларни ҳам шунга даъват қилинг, — деди.

Шогирдлардан бири:

— Муҳтарам устоз, Сиздан кейин ўрнингизда қоладиган уч табиб ким? — дея сўради.

Устоз кўзларини очди, шогирдларига шундай дея сўз қотди:

— Сизларга сўзлаганим уч зўр табибнинг бириси — поклик, иккинчиси — парҳез, учинчиси — бадан тарбиядир. Доимо пок, озода бўлишлик, ҳаддан зиёд ва апил-тапил тановул қилишликдан сақланиш, ичкиликдан тийилиш, бадан аъзоларини ҳаракатсиз қолдирмасдан бадан тарбия билан шуғулланиш — мана шуларнинг ҳаммаси саломатликни сақловчи энг яхши чоралардир.

ПОК ВИЖДОНЛИ ҚИЗ

ҚАДИМГИ араб ҳалифаларидан бири Умар кечаси кўчаларни айланиб юришни яхши кўрарди. Бир куни кўчадан ўтаётса бир хонадондан икки аёлнинг ади-бади айтишаётгани беихтиёр қулоғига чалинди. Хотин қизига зарда билан:

— Нега айтганимни қилмайсан, сутга бироз сув қўшсанг ҳеч нарса бўлмайди, — дерди. Қиз эса бу таклифни қатъиян рад этиб, бажаришни истамасди.

— Ахир, халифа Умар ҳамма сутчиларга сутга сув қўшиб сотмаслик ҳақида фармойиш берганини унутдингизми? Сиримиз ошкор бўлиб қолса, нақд жонимиз кетади-я!

— Нега бунча бидирлайсан. Қўш дедимми, қўшавер. Ҳеч ким билмайди. Қиз эса:

— Онажон, ахир ҳеч ким кўрмаса, ҳалифа сутга сув қўшганимизни билмаса, виждонимиз кўриб турибдику, ҳеч бўлмаса, виждонимиз амрига итоат қилайлик, — деди ва онасининг буйруғини бажармай тураверди.

Ҳалифа илгарилаб кетар экан, ногаҳон бу виждонли ва номусли қизни келин қилиш фикрига келди. Совчилар қўйди ва бир неча кундан кейин ўша қизни ўғлига никоҳлаб берди.

ХУЛОСА: *Қолмагай тўғрилар иши пинҳон,*
Қилмагай тўғри сўз кишига зиён.

ЎН ТЎРТ ФАЗИЛАТ

ДОНИШМАНДЛАР қуйида айтилган ўн тўртта ахлоқий фазилатни инсон учун энг зарур ва фойдали, деб ҳисоблаганлар.

РИЁЗАТ. Нафсингни тий, ортиқ даражада ейишдан, ичишдан сақлан. СУКУТ. Ўзингга ҳам, бошқаларга ҳам ҳеч бир фойдаси тегмайдиган олди-қочди сўзларни сўзлама. ИНТИЗОМ. Ишларинг тартибли, интизомли бўлсин. Ҳар бир юмушни ўз вақтида бажаришга ҳаракат қил. МАҚСАД. Бир ишга киришмоқчи бўлсанг, энг аввало, яхшилаб ўйла, шу ишдан кутган мақсадинг нима эканлигини яхши тушун. Қарорга келгач, кейин бажар. Уни камчиликсиз, тўла-тўкис қилишга урин. ТЕЖАШ. Иқтисод яъни тежашга риоя қил, ўзингга ва халққа фойдаси тегмайдиган ерларга пул ва мол сарф қилма, исрофдан сақлан. САЪИ ВА ШУҒУЛЛАНИШ. Вақт ва фурсатингни бекордан-бекорга ўтказма. Доимо фойдали иш билан машғул бўл. Керак бўлмаган нарсадан чекин. МАТОНАТ. Ишингда чидамли , матонатли бўл. Ҳийла-найранг ишлатишдан ҳазар қил. Тушунчанг пок, соф ва ҳаққоний бўлсин. Тушунганлик каби сўзла ва ишла. ҲАҚҚОНИЯТ. Адолат ва ҳаққониятни ўзингга раҳбар қилиб ол. Ҳеч кимга зарар етказишга одатланма. МУЪТАДИЛЛИК. Ҳар вақт мўътадил ҳолда иш юрит. Ҳаддан ортиқчаликдан сақлан. Ноҳақ кишини ўзингга шерик тутма. НАЗОКАТ. Кир, ифлосликдан ҳазар қил, вужудинг, либосинг ва уй-жойингни тоза, покизалигига эътибор қил. ҚАЛБ ҲУЗР-РОҲАТИ. Майда-чуйда ва истаганингча бажарилмай қолган ишлардан ҳафаланиб саломатлигингга путур етказма. ИФФАТ. Одобли, шарм-хаёли, номусли бўл. Бу гўзал фазилатлардан ажралма. ТАВОЗЕ. Ўзингни камтар тут. Тавозе шараф ва иззат босқичи эканини унутма. МУЛОЙИМЛИК. Сабрли, мулойим, очиқ чеҳрали, ширинсўҳан бўл. Ҳеч кимга ҳеч қачон кўпол муомала қилма.

ХУЛОСА ШУНДАЙ: Юқорида зикр этилган ўн тўртта ахлоқий фазилат билан ўзингизни ораста қилсангиз, халқингизнинг муҳаббатига сазовор бўласиз, ҳамма сизга ҳурмат назари билан қарайди.

Усмонали ҲАМИДОВ тайёрлади.



ЖИЛҒАЛАР БЎЙИДИР ОРОМ МАСКАНИ.
Даврон АҲМАД олган сурат-лавҳаси.

*СПОРТ*СПОРТ*СПОРТ*СПОРТ*

Футбол

ЧЕМПИОН БИЛАН ОРАДАГИ ФАРҚ ЯНАДА ОРТДИ

Вилоятимизнинг «Дўстлик» жамоаси сафарда «Хоразм» футболчилари устидан 6:3 ҳисобида ғалабага эришди

МАМЛАКАТ биринчилигининг 15-тур ўйинлари олдидан ўтган йилги чемпион — Наманганнинг «Навбаҳор» жамоаси билан вилоятимизнинг «Дўстлик» футболчиларини уч очко ажратиб турарди. МҲСК ўз майдонида наманганликларни 4:1 ҳисобида мағлубиятга учратгач, «Дўстлик» эса сафарда «Хоразм» жамоаси устидан йирик ҳисобда ғалаба қозонганидан сўнг орадаги фарқ олти очкога етди.

Мазкур тур учрашувларидан сўнг 15 та ўйиннинг барчасида ғолиб келиб, бирорта ҳам очко йўқотмаган МҲСК жамоаси бош мураббийси Рустам Мирсодиқов билан суҳбатда бўлдик.

— Спортда шундай ҳоллар бўладики, бир жамоанинг мағлубияти иккинчи жамоага қўл келади. Шу жиҳатдан «Навбаҳор» устидан қозонилган ғалабамиз ўзим учун эски қадрдон жамоа бўлган «Дўстлик»ка нафи теккан экан, бундан хурсандман.

— Рустамжон, мана, жамоангиз кетма-кет икки учрашувдирки, аввалига ўз дарвозасидан тўп ўтказиб юбориб, сўнг ғолиб келмоқда. «Пахтакор» билан бўлган ўйинда ҳам, «Навбаҳор» билан бўлган баҳсда ҳам ютқазиб туриб, пировардида ғалабага эришдингизлар?

— Биласизми, албатта, атайин бундай қилмаймиз. Қолаверса ютқазиб туриб ютишнинг ўзига яраша нашидаси, руҳий мадади бор, албатта. Ғалабага ишонч, интилиш яхши фазилат. Бу ҳол футболчилардан сўнгги дақиқаларгача ғалаба учун курашиш руҳини уйғотади. Ундан сўнг «ютқазиб турган ва ғалабага эришган» жамоа учун таъсис этилган соврин ҳам бор.

«Дўстлик» жамоаси бош мураббийси Маҳмуд Раҳимов Рустам Мирсодиқов билан бўлган суҳбатимиздан огоҳ бўлгач, аввалига юқоридаги фикрга эътироз билдирган бўлди.

— Биз бировларнинг ёрдамига эмас, ўз кучимизга ишонишимиз керак. Орқага эмас, олдинга қараб иш кўриш лозим.

Бу яхши фазилат. Бироқ, спорт спорт-да! Кимнингдир мағлубияти кимгадир қўл келади. Совринли ўринга йўл очилади. Ким билади, дейсиз, мана шу уч очко пировард натижада «Дўстлик»ка совриндорлар қаторидан ўрин олишга имкон берса, «Навбаҳор»ни кучли учликдан суриб қўйиши эҳтимолдан ҳоли эмас-ку!

Сешанба куни бўлиб ўтган 15-турда уч пешқадам — МҲСК, «Нефтчи», «Дўстлик» ўз ҳисобларига учтадан очко ёзишган бўлса, «Навбаҳор» сингари «Пахтакор» ҳам мағлубиятга учради. Тошкентликлар Бухорода 0:1 ҳисобида енгилдилар. Ягона тўпни 84-дақиқада А. Шарипов киритди.

МҲСК 15 та ғалаба билан чемпионлик сари дадил қадам ташлаб бораётган бўлса, «Нефтчи» пешқадамдан ортда қолишни истамаяпти. Фарғоналиклар «Чилонзор» жамоасини қабул қилишиб, 8:2 ҳисобида ғалабага эришдилар. Равшан Бозоров 3 та, Шуҳрат Мақсудов 2 та тўп киритди. «Дўстлик» жамоасининг моҳир тўпурари Жаъфар Ирисметов ҳам бу турда ўз ҳисобига иккита тўп қўшди. Ҳужумчимиз биринчи ва иккинчи бўлимларнинг сўнгги дақиқаларида киритилган тўп муаллифи бўлди. «Дўстлик»дан рақиблар дарвозасига қолган тўпларни В. Галянов (36-дақиқа), А. Хилов (49), Г. Ким (47) ва А. Матвеев (86) киритдилар.

Биринчи давра тугашига икки тур қолди. «Дўстлик» энди ўз майдонида Тошкентнинг «Трактор» клубини қабул қилади. Сўнгги учрашувни эса МҲСК майдонида пешқадамга қарши ўтказади.

15-турнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Сурхон» — «Атласчи» — 2:0, «Афросиёб». — Андижон» — 2:2, «Сўғдиёна» — «Янгиер» — 2:0, «Косонсой» — «Зарафшон» — 1:2, «Трактор» — «Насаф» — 5:4.

Жамоаларнинг бугунгача бўлган турнир жадвалидаги аҳволи қуйидагича:

Жамоалар	Ю.	Д.	М.	Т-Н.	О
МҲСК	15	0	0	49-13	45
«Нефтчи»	13	1	1	52-16	40
«Дўстлик»	11	3	1	31-13	36
«Навбаҳор»	9	3	3	36-18	30
«Пахтакор»	7	5	3	24-11	26
«Сўғдиёна»	8	1	6	21-19	25
«Бухоро»	7	1	7	21-20	22
«Трактор»	5	4	6	19-21	19
«Насаф»	4	6	5	21-22	18
«Афросиёб»	4	4	7	14-29	16
«Косонсой»	5	1	9	13-28	16
«Зарафшон»	4	3	8	22-29	15
«Атласчи»	4	2	9	15-28	14
«Сурхон»	3	5	7	13-30	14
«Хоразм»	3	3	9	17-38	12
«Чилонзор»	3	2	10	12-25	11
«Андижон»	3	2	10	14-33	11
«Янгиер»	2	4	9	15-27	10

Таэкван-до

ОЛТИН МЕДАЛ МУБОРАК, АЛЛА!

САНКТ-ПЕТЕРБУРГДА ўтказилган жаҳон биринчилигида Ватанимиз спортчилари қутилганидан кўра муваффақиятли қатнашдилар. Жами 6 та медалга сазовор бўлган спортчиларимиз норасмий жамоа ҳисобида 65 мамлакат вакилларини ортда қолдириб, умумий тўртинчи бўлишди. Шуниси қувонарлики, ушбу ғалабага вилоятимиз вакили ўқувчи-спортчи Алла Ким ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди. У командадоши Владимир Нам билан бирга ҳурмат шохсупасининг энг юқорисидан жой олиб, олтин медал нишондори бўлди.

ОСИЁДА — КУЧЛИЛАР САФИДА

АНДРЕЙ ТЎЙЧИЕВ, Сергей Крушевский, Дамир Эратов ва Юрий Плюхинлардан ташкил топган велопойгачиларимиз Эронда ўтказилган Осиё биринчилигида иштирок этишди. 4 километрлик гуруҳ пойгасида умумий тўртинчи бўлдилар. Қитъа биринчилигида 24 мамлакат пойгачилари қатнашди.

ТАШАББУСКОРИ «ИШОНЧ»

АЗМИДДИН Хўжаев хотира-соврини учун кейинги кезларда мусобақа ўтказилмай қолганди. «Ишонч» газетаси таҳририяти ташаббус кўрсатиб, мазкур мусобақани қайта тиклади ва унинг сарф-харажатларини ўз зиммасига олди. Мазкур мусобақада ҳам вилоятимиз вакилларининг кўли баланд келганлиги қувонарлидир. Эркаклар баҳсида ҳам, аёллар мусобақасида ҳам бош соврин чирчиқлик шохмотчиларга тегди. Чирчиқлик Р. Кагиров ва тошкентлик Д. Қаюмовлар 7,5 тадан хол тўплашди. Коэффициентга кўра Р. Қагиров биринчи бўлди. Аёллар мусобақасида эса биринчи ўрин С. Крючковага насиб этди.

Шарофиддин УМУРЗОҚОВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ «БАНКЛАР ВА БАНК ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУНИНИНГ 35-МОДДАСИГА АСОСАН БАНКДАН ОЛГАН КРЕДИТЛАРИНИ ЎЗ ВАҚТИДА ҚАЙТАРА ОЛМАЁТГАН ҚУЙИДАГИ ТАШКИЛОТЛАР АКЦИОНЕРЛИК ТИЖОРАТ «ТАДБИРКОР» БАНК ТОМОНИДАН ТЎЛОВГА ҚОБИЛИЯТСИЗ ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ.

ТАШКИЛОТ НОМИ	РЎЙХАТДАН ЎТГАН ТУМАНИ, ВАҚТИ ВА РЎЙХАТ РАҚАМИ
1 «СЎҒДИЁНА» АССОЦИАЦИЯСИ	ЯККАСАРОЙ ТУМАНИ, ТОШКЕНТ ШАҲРИ, 11.04.91 Й, 8/43-22-96.
2 «АСР»ЛТД МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ	С. РАҲИМОВ ТУМАНИ, ТОШКЕНТ ШАҲРИ, 04.06.92 Й, 526-Р.
3 «ЖАННЕТ» ФИРМАСИ	ЯККАСАРОЙ ТУМАНИ, ТОШКЕНТ ШАҲРИ. 16.04.92 Й, 248,
4 «ОМАД ЁР» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ	БЎКА ТУМАНИ, ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ. 10.11.93 Й, 419.
5 «ЖАВОД» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ	ЧИЛОНЗОР ТУМАНИ, ТОШКЕНТ ШАҲРИ. 03.03.93 Й, 70-ЗП.
6 «ЖАМУР» КИЧИК КОРХОНАСИ	ЮҚОРИЧИРЧИҚ ТУМАНИ, ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ, 13.11.91 й, 275/13.
7 «САРДОБА» ФИРМАСИ	ЮНУСОБОД ТУМАНИ, ТОШКЕНТ ШАҲРИ. 28.09.92 й, 2077.
8 «ВОСТОК» КИЧИК КОРХОНАСИ	МИРОБОД ТУМАНИ, ТОШКЕНТ ШАҲРИ 20.03.91 Й, 258/6.
9 «ГЎЗАЛ» КИЧИК КОРХОНАСИ	БЎКА ТУМАНИ, ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ, 20.04.92 й, 81.
10 «УСТА ЎРИНБОЙ» КИЧИК КОРХОНАСИ	БЎКА ТУМАНИ, ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ, 14.08.91 й, 181/12.
11 «УЗГОССТРОЙВНЕШТОРГ» ТАШҚИ САВДО ФИРМАСИ	ШАЙХОНТОХУР ТУМАНИ, ТОШКЕНТ ШАҲРИ. 26.12.91 й. 318/25-5.
12 «КАРНАК» ХУСУСИЙ ДЕҲҚОН ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ	ЗАНГИОТА ТУМАНИ, ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ, 04.09.93 й, 15/9.
13 «ЛОЛА» ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ	ЗАНГИОТА ТУМАНИ, ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ. 28.11.93 й, 257/XI.
14 «ҚАЛДИРҒОЧ» ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ	ЗАНГИОТА ТУМАНИ, ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ, 20.03.92 й, 33-2/С.
15 «ЯССАВИЙ» ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ	ЗАНГИОТА ТУМАНИ, ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ, 19.09.94 й, 625.
16 «БРОЙЛЕР» ФИРМАСИ	С. РАҲИМОВ ТУМАНИ, ТОШКЕНТ ШАҲРИ. 29.06.92 й, 740-Р.
17 «АВТОЗАПЧАСТЬСТРОЙ» ҚУРИЛИШ-МОНТАЖ КОРХОНАСИ	СЕРГЕЛИ ТУМАНИ, ТОШКЕНТ ШАҲРИ. 07.02.91 й, 56/3-22.
18 «САМО» ФИРМАСИ	МИРОБОД ТУМАНИ, ТОШКЕНТ ШАҲРИ, 29.09.93 й, 353.
19 «КИМ-Ю» ХУСУСИЙ ФИРМАСИ	МИРОБОД ТУМАНИ, ТОШКЕНТ ШАҲРИ. 17.10.94 й, 336/12.
20 «ПМК 93» ФИРМАСИ	БЕКТЕМИР ТУМАНИ, ТОШКЕНТ ШАҲРИ. 05.02.93 й, 65.
21 «БЕРЕЗКА» КИЧИК КОРХОНАСИ	СЕРГЕЛИ ТУМАНИ, ТОШКЕНТ ШАҲРИ. 23.01.92 й, 24/2-14.
22 «БОР» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ-ТИЖОРАТ ФИРМАСИ	МИРОБОД ТУМАНИ, ТОШКЕНТ ШАҲРИ. 22.03.94 й, 88/4.
23 «ЖАМИН» ХУСУСИЙ ФИРМАСИ	С. РАҲИМОВ ТУМАНИ, ТОШКЕНТ ШАҲРИ. 17.05.93 й, 685р.
24 «ЗУФАР» КИЧИК КОРХОНАСИ	ЗАНГИОТА ТУМАНИ, ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ. 21.12.93 й, 22/8.
25 «АЗИЯ ТРЕЙД» ҚЎШМА КОРХОНАСИ	ЎЗ.РЕС. МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ 13.09.93 й, 13—02/808.
26 «БИКО» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ-ТИЖОРАТ ФИРМАСИ	МИРОБОД ТУМАНИ, ТОШКЕНТ ШАҲРИ, 12.10.93 й, 365/20.

АКЦИОНЕРЛИК-ТИЖОРАТ «ТАДБИРКОР» БАНКИ.

Об-ҳаво

12—16 июль оралиғида об-ҳаво ўзгарувчан бўлади, бироқ ёғингарчилик кутилмайди. Шарқ томондан 5—10 метр тезликда шамол эсиб, ҳарорат кечалари 19—24, кундуз кунлари 36—41 даража атрофида бўлади.

Тошкент вилояти Бекобод туманидаги 6-ўрта мактаб томонидан Ғозиев Акром Турғунович номига берилган А—028874 рақамли йўқолган ўрта маълумот тўғрисидаги АТТЕСТАТ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент туманидаги 19-ўрта мактаб томонидан 1987 йилда Зилолиддин Илҳомов номига берилган 394171 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги АТТЕСТАТ йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент вилояти Бекобод туманидаги 24-ўрта мактаб томонидан Холматов Хасан Абдувалиевич номига берилган О'РА 002840 рақамли йўқолган ўрта маълумот тўғрисидаги ШАҲОДАТНОМА **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48; Эълонлар: 33-99-15, 36-57-27.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0436. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ. Адади 9.601 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти – 20. 30. Босишга топширилди – 17.30. 1 2 3 4 5 6